Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK 20___

O'zbekiston ovozi

№36-37
2019-yil, 7-may
Seshanba (32.527)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини газетамиз сайтида ўқишингиз мумкин.

ЯНГИ ТАШАББУС ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ – БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ ВА ЮҚОРИ ДАРОМАД МАНБАИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 6 май куни Фарғона вилоятига келди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 12-13 июнь кунлари вилоятга ташрифи чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Шу давр мобайнида мазкур масалалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

2018 йилда вилоятга 152,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди. Натижада қўшма корхоналар сони 80 тага кўпайиб, 283 тага етди. Жорий йил январь-март ойларида 66 миллион долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, «Winchemical», «Listem-Fergana» каби қўшма корхоналар ишга туширилди.

Президентимиз дастлаб Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига ташриф буюрди.

Мазкур корхона ўз вақтида Фарғона водийсидаги нефть конларини ўзлаштириш ва минтақа давлатларига нефть маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида бунёд этилган. У ҳозирги кунда ҳам углеводород хомашёсини қайта ишлаш бўйича мамлакатимиздаги йирик мажмуалардан биридир. 475 гектар ер майдони, 52 та технологик объект унинг улкан салоҳиятидан далолат беради.

Лекин техника ва технологиялар эскиргани, ишлаб чиқариш асосан импортга боғлиқ бўлгани сабабли корхона кейинги ўн йилда ўзини оқламаётган эди. Йиллик лойиҳа қуввати 6 миллион 450 минг тонна бўлгани ҳолда, ишлаб чиқариш бор-йўғи 30 фоизга тушиб қолганди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 21 февраль куни нефть-газ ва кимё саноатини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини инвесторларнинг ишончли бошқарувига бериш вазифасини қўйган эди. Шунга мувофиқ, 10 апрелда «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Модернизация жараёни Индонезиянинг «PT Trans Asia Resources» компанияси билан ҳамкорликда уч босқичда амалга оширилади. Соҳада катта тажрибага эга жаҳон бозорида ушбу компаниянинг ўз ўрни бор. Бу заводни хомашё билан барқарор таъминлаш, уни жаҳон стандартлари асосида қайта ишлаб, ички ва ташқи бозорга етказиб беришга хизмат қилади. Келгусида етакчи халқаро компаниялардан иборат бўлган консорциум ташкил этиш режалаштирилган.

Заводга жорий йилнинг ўзида камида 300 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестиция жалб этилади. Бу маблағ эвазига икки ой давомида ҳозирда ишламай турган 11 қурилманинг 7 тасидан фойдаланиш тикланади. Бунинг натижасида 7 минг 100 та иш ўрни сақлаб қолинади. Шунингдек, завод икки баробар кўпроқ хомашё билан таъминланади. 2020 йилдан бошлаб «Евро-4», «Евро-5» каби юқори сифатли дизель ёқилғиси ишлаб чиқаришга эришилади. Маҳсулотлар таннархи тушиб, сифати оширилиши натижасида вилоятнинг экспорт салоҳияти янада юксалади.

Умуман, лойиҳа доирасида 2022 йилгача камида 875 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилади. Бу 60 йилдан буён ишлаб келаётган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва 110 йиллик тарихга эга Олтиариқ нефтни қайта ишлаш корхонасини замонавий мажмуаларга айлантириш, уларда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Энг муҳими, яна кўплаб одамлар, айниқса, ёшлар иш билан таъминланади. Солиқ тушуми ойига қўшимча 100 миллиард сўмга ошади.

Шавкат Мирзиёев завод ишчилари ва инвесторлар билан суҳбатлашди.

Асосий мақсад корхонани тўлиқ қувват билан ишлатиш, одамларни иш билан таъминлаш. Бу Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг янги даври бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Заводга хомашё олиб келиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

Президентимиз Қўштепа туманидаги «Ипак гиламлар» корхонасида бўлиб, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган бешта муҳим ташаббусдан сўнггиси аёлларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларга тўлақонли турмуш шароити яратишга қаратилган. Ушбу ташаббусни амалга ошириш учун ҳар бир туманда енгил конструкцияли тикув-трикотаж корхоналари ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу корхоналарга биринчи навбатда бокувчисини йўқотган, турмуши оғир хотин-қизлар, шунингдек, кўп болали аёллар ишга жалб қилинмоқда.

Ўтган даврда тикув-трикотаж корхоналарига ишга жалб қилинган аёллар қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитилди. Уларга ўқиш давомида стипендия берилди, ўқитувчилар ойлик маош билан таъминланди.

Фарғона вилоятида ҳам бешинчи ташаббус доирасидаги ишлар кенг қулоч ёймоқда. «Ўзбекпахтасаноат» АЖ томонидан жорий йилда вилоятда 7 та, 2020 йилда 8 та тикув-трикотаж корхонаси ташкил этилади. Натижада 4,5 мингта янги иш ўрни яратилиб, аёллар бандлиги таъминланади.

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси томонидан ҳам вилоятда мавсумий ва доимий иш ўринлари яратиш мўлжалланган. Уюшма пилла етиштиришдан тайёр маҳсулот чиқаришгача бўлган жараённи кластер усулида ташкил этиш орқали ипак маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни режалаштирган. Уюшма томонидан 2019 йилда вилоятда хотин-қизларни касаначиликка жалб этиш орқали 30 минг иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Аҳамиятлиси, бир мавсум давомида пиллакорларга бир йиллик меҳнат стажи ёзилади. Илгари уларга на маош тўланган, на меҳнат стажи ёзилган. Ҳозир аёллар буюртма олиб, уйида ишлаш имкониятига эга бўлди. Бундай амалиёт мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жорий қилинмоқда.

«Ипак гиламлар» корхонаси Қўштепа туманидаги «Исмоилжон гиламлари» масъулияти чекланган жамиятининг филиали бўлиб, бу ерда 200 нафар, жамият таркибидаги 9 та шундай корхонада жами 2 мингга яқин хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Ушбу корхоналарда атлас, адрас ва шойидан 300 га яқин турдаги тайёр маҳсулот, 400 дан ортиқ нусхадаги ипак гиламлар тўқилмоқда.

Президентимиз ипак гиламлар эскизини тайёрлаш ва тўқиш жараёнини кўздан кечирди, маҳсулотлар сифати ва харидоргирлиги билан қизиқди.

Давоми 2-бетда. ▶

«Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият» шиори остида ташкил этилаётган декада доирасидаги «Шараф лентаси»ни улашиш акцияси Наманганда ҳам ўтказилди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Абдусалом ота Раҳмонов ва Сайфуддин ота Нуриддиновлар таклиф этилди.

Тинчлигимиз ва бугунги ёруғ кунларимиз учун жон фидо қилган ватандошларимиз, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасини ёд этиш, шунингдек, ёшлар онгига инсонни қадрлаш, унинг хотирасини ёд этиш ва шарафлаш улуғ иш эканини сингдириш мақсадига қаратилган акцияда ҳарбий оркестрнинг Ватанни, тинчликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари садоси остида «Шараф лентаси» ёшу кексага тарқатилди.

ЎзА фотомухбири Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2019 йил 4 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси иши давом эттирилди.

Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва марказий идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давоми 3-бетда. ▶

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 7 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 АҚШ доллари 8448,89

1 ЕВРО 9462,76

1 Россия рубли 129,81

1 Англия фунт стерлинги 11128,03

1 Япония иенаси 76,05

1 Жанубий Корея вони 7,26

1 Қувайт динори 27811,61

1 Малайзия рингити 2040,30

1 Хитой юани 1254,72

1 Сингапур доллари 6211,05

1 Швейцария франки 8312,56

1 БАА дирҳами 2300,39

1 Миср фунти 493,22

1 Австралия доллари 5933,66

1 Туркия лираси 1419,24

1 СДР 11685,58

1 Канада доллари 6295,75

1 Украина гривнаси 319,55

1 Польша злотийси 2213,26

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Хушхабар!

Самарқанд давлат медицина институти талабалари

халқаро анжуманда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиб, мутлақ ғолиб бўлишди

Рязан давлат медицина университетида ташкил этилган «Болалар хирургияси ва анестезиологиясининг долзарб муаммолари»га бағишланган илмий-амалий анжуманда Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Украина, Беларусь каби давлатларнинг олтмишдан ортиқ медицина олий ўқув юртларининг икки юздан зиёд талабалари баҳслашдилар.

Халқаро анжуманда Самарқанд давлат медицина институти жамоаси аъзолари Дилшод Пўлатов 1-ўринни, Шаҳзод Шамсиев, Исломжон Аҳмедов, Бобур Абдувоитов, Ўктамхон Носиров 2-ўринни, Акбар Ирисқулов, Маҳмуджон Раҳимов 3-ўринни қўлга киритди.

Анжуман ҳакамлар ҳайъатининг қарори билан Самарқанд давлат медицина институти талабалари умумжамоа ҳисобида мутлақ ғолиб бўлдилар, 1-даражали диплом ва олтин медаль билан тақдирландилар.

Самарқанд давлат медицина интитути ректори, профессор Азамат Шамсиев ташаббуси билан анжуман доирасида Самарқанд давлат медицина институти ва Рязан давлат медицина университети ўртасида таълим ва илмий ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди. Унга асосан ҳар иккала олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари Рязан ва Самарқандда ўз малакаларини оширадилар. Шу билан биргаликда талабаларга ҳам академик мобиллик асосида таълим олиш имконияти яратилди.

Фахрулло ҲАМИДУЛЛАЕВ

«Темурбеклар мактаби» ёшлар ҳам, ота—оналар ҳам ҳавас қиладиган маскан бўлиши керак. Бунинг учун уларнинг мавқеи, савияси, билим бериш даражаси юқори бўлиши зарур.

ЯНГИ ТАШАББУС ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ – БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ ВА ЮҚОРИ ДАРОМАД МАНБАИ

Ипакдан тўқилган гиламларнинг ноёблиги шундаки, йиллар ўтса ҳам у хусусиятини йўқотмайди, аксинча, ранги янада очилиб боради. Шунинг учун бундай гиламларнинг ўлчами кичик бўлса-да, жаҳон бозорида жуда қиммат.

Давлатимиз раҳбари қишлоқда хотин-қизлар учун янги корхона ташкил этиб, жаҳон стандартларига мос ипак маҳсулотлар тайёрланаётганига юксак баҳо берди. Пиллачилик кластерларини ташкил этиш бўйича Фарғона тажрибасини оммалаштириш, маҳаллалар ҳузурида 300-400 кишилик корхоналар, уларнинг олдида 1-2 гектарлик пиллахоналар очиш кераклигини таъкидлади.

Бундай корхоналар ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан жуда зарур. Биринчидан, юзлаб хотин-қизлар иш билан таъминланади. Иккинчидан, юртимизда бу соҳада яхши анъана, кенг имконият мавжуд. Ташқи бозорга эса йўллар очиқ. Шунинг учун Хотин-қизлар қўмитаси тасарруфида ипакдан маҳсулотлар тайёрлаш бўйича кластерлар ташкил этиш керак. Шунда хомашё етказиш ҳам барқарор бўлади, таннарх ҳам тушади. Пилла боқишдан то тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнда минглаб хотин-қизлар ишлайди. Ишлаган аёлнинг турмуши, дунёқараши, фарзанд тарбиясига эътибори ҳам бошқача бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

«Исмоилжон гиламлари» масъулияти чекланган жамияти йил охиригача яна 15 та тўқув цехи ташкил этиб, ишчилар сонини 4,5 мингтага етказишни режалаштирмоқда.

Давлатимиз раҳбари корхона фаолиятини янада кенгайтириш, бу ерни Фарғона туризм йўналишига киритиш, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларда унинг расталарини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ипак маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уни ташқи бозорга арзон нархларда етказиш, хотин-қизлар учун иш ўринларини кўпайтириш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берилди.

Президентимиз Фарғона шаҳридаги замонавий рентген аппаратлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхонада бўлди.

Мамлакатимизда электротехника саноати жадал ривожланиб, янги лойиҳалар ишга туширилмоқда. Яқинда фаолият бошлаган Жанубий Корея билан ҳамкорликдаги «Listem-Fergana» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона шулардан бири. Бу нафақат юртимиз, балки минтақада юқори технологияли тиббий техника тайёрлайдиган ягона завод ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили вилоятга ташрифи чоғида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, замонавий диагностика асбоб-ускуналарини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича топшириқ берган эди. Мазкур қўшма корхона ана шу ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Шавкат Мирзиёев корхона ишчи-хизматчилари билан мулоқот қилди.

Ушбу замонавий қўшма корхона лойиҳасининг умумий қиймати 8 миллион доллар бўлиб, йилига икки турдаги 300 дона рентген аппарати ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Биринчи босқич доирасида 35 киши иш билан таъминланган. Айни пайтда кейинги босқични ҳаётга татбиқ этиш устида иш олиб борилмоқда. Йил якунига қадар яна 100 га яқин иш ўрни яратилади.

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» бренди остида экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш, аввало, ички бозор талабларини қондириш мақсадида қўшма корхонада йиллик ишлаб чиқариш қувватини 500 донага етказиш, маҳсулот турини 10 дан ошириш кўзда тутилган. Бу шу пайтгача катта валюта эвазига импорт қилинаётган тиббий ускуналар ўрнини тўлдириш, ички бозорни арзон ва юқори сифатли жиҳозлар билан таъминлаш имконини беради.

Жанубий Кореянинг дунёга машҳур «Listem» корпорацияси 1960 йилда фаолият бошлаган, 12 хил рентген аппарати ишлаб чиқаради, уларни 75 та мамлакатга экспорт қилади. Албатта, мазкур нуфузли корпорация билан ҳамкорликда ташкил этилган «Listem-Fergana» қўшма корхонаси ҳам тез орада дунёда ном қозонади.

Бундай дейишимизга тўлиқ асос бор. «Listem-Fergana»да ишлаб чиқарилаётган рентген ускуналарига ҳозирданоқ талаб юқори. Корхона тўла қувват билан иш бошлагач, маҳсулотнинг асосий қисмини экспортга йўналтириш мўлжалланган. Мазкур маҳсулотлар Ўзбекистон бозори учун ноёб ва инновацион ҳисобланади. Бу нафақат аҳолини диагностика қилишда тиббий ёрдам сифати ва даражасини оширади, балки мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фарғона шаҳридаги 5-оилавий поликлиника ушбу қўшма корхонанинг илк мижози бўлди. Бош шифокор Феруза Мадалиеванинг қайд этишича, поликлиникага корхонанинг дастлабки «Смарт-ДР» рақамли рентген аппарати ўрнатилган. У бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган шундай ускуналардан уч баробар арзон, энергия тежамкор. Мисол учун, Фарғонада ишлаб чиқарилган «Смарт-ДР» рақамли рентген аппарати 50 минг АҚШ долларига сотилади. «Philips» компаниясининг шундай рентген аппарати 144 минг доллар, «Siemens» концернинки эса 168 минг доллар баҳоланади.

«Смарт-ДР» рақамли рентген аппаратида соатига 12-15 мижозни текширувдан ўтказиш мумкин. Текширувдан ўтиш ва хулосани олиш учун 3-5 дақиқа кифоя. Олинган тасвирлар компьютер хотирасида 5 йилгача сақланади. Бу, ўз навбатида, касаллик динамикасини кузатишда муҳим аҳамиятга эга. Яна бир муҳим жиҳати, нурланиш даражаси 4-5 марта камайтирилган. Олинаётган тасвирни интернет орқали даволовчи шифокорга юбориш мумкин. Бошқа шифокорлар билан масофадан туриб консилиум қилиш имконияти ҳам мавжуд.

Давлатимиз раҳбари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда, энг аввало, тўғри ташхис қўйиш муҳимлиги, тиббий жиҳозларни юртимизда ишлаб чиқариш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан яхши самара беришини таъкидлади. Корхонада маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, саноат кооперациясини ривожлантириш, ходимлар малакасини юксалтириш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Ўзбекистоннинг Жанубий Кореядаги элчихонаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Фарғонаазот» ва «Қўқонсуперфосфат» акциядорлик жамиятларида азотли ва фосфорли ўғит ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, Водил кўмир конида кўмир қазиб чиқариш, тошдан экологик тоза қоғоз ишлаб чиқаришга оид режалар, Фарғона вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимотлари ўтказилди.

Жумладан, Фарғона шаҳрида Жанубий Кореянинг JEI университети филиалини очиш режалаштирилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 5,3 миллион доллар. Унинг 3 миллион доллари хорижий инвесторлар ҳиссасига тўғри келади. Бу ерда мактабгача таълим муассасалари, меҳмонхона, туризм ва косметология соҳалари учун мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган. 400 талаба таҳсил оладиган филиални жорий йилда очиш мўлжалланган.

Жанубий Кореялик ҳамкорлар билан «Қўқон» эркин иқтисодий зонасида йилига 10 минг дона «Hyundai» электромобиль ишлаб чиқариш қувватига эга корхона ташкил этиш режалаштирилган. 1000 та иш ўрни яратилади.

Президент Фарғона шаҳридаги «Темурбеклар мактаби»ни бориб кўрди.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари жанговар қудратини ошириш жараёнида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш, ҳарбийларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун армия ва ҳарбий таълим муассасалари ўзликни англаш, миллий ғурур, мустаҳкам ирода мактабига айланди. Ёш аскар ва курсантлар учун ҳарбий қасамёд қабул қилишдан аввал Ўзбекистон тарихи фани ва «Темур тузуклари» китоби бўйича синов ўтказиш йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Буюк саркарда Амир Темур бобомизнинг мардлиги ва ватанпарварлиги, жасорати ва адолатпарварлигини ёшларимизга ўрнак қилиш мақсадида мамлакатимиздаги барча ҳарбий лицейларга «Темурбеклар мактаби» деб ном берилди.

Чунки ҳар бир йигит-қиз, айниқса, ҳарбийлик касбини танлаган ёшлар жонажон Ватанимиз тарихини, халқ қаҳрамонлари, буюк саркарда ва қўмондонлар ҳаёти ва жасоратини чуқур билиши, улар билан фахрланиши керак. Бу инсонда миллий ғурурни, ватанпарварлик, фидойилик туйғусини тарбиялайди.

Фарғонадаги «Темурбеклар мактаби»да таълим-тарбия ишлари шу асосда йўлга қўйилган. Айни пайтда бу ерда 437 ўқувчи таҳсил олмоқда.

Мактаб ёшларни Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги олий ҳарбий билим юртлари ва бошқа ўқув муассасаларига аниқ фанларга чуқурлаштирилган ҳолда тайёрлашга ихтисослашган. Ўқувчилар дарсдан бўш вақтини фойдали ўтказиши учун турли фан ва спорт тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий лицейларнинг номи ўзгарганини, энди унинг мазмун-моҳияти, таълим сифати ҳам Темур бобомизга муносиб бўлиши зарурлигини таъкидлади.

«Темурбеклар мактаби» ёшлар ҳам, ота-оналар ҳам ҳавас қиладиган маскан бўлиши керак. Бунинг учун уларнинг мавқеи, савияси, билим бериш даражаси юқори бўлиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Темурбеклар мактабларини ривожлантириш бўйича янги тизимни белгилаб берди. Унга кўра, бу мактабларга ёшлар чекланган миқдорда танлаб олинади, ўқувчилар замонавий ахборот технологиялари ва камида иккита хорижий тилни пухта ўрганади, жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб, ҳар томонлама баркамол, ёшлар орасида етакчи бўлиб шаклланади. Ушбу мактаблар битирувчилари олий таълим муассасаларига имтиҳонсиз қабул қилинади.

Давлатимиз раҳбари «Темурбеклар мактаби»да яратилган шароитларни кўздан кечирди, ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан мулоқот бўлиб ўтди. Президентимиз уларни яқинлашиб келаётган Хотира ва қадрлаш куни билан табриклади. Нуронийлар юртимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуо қилди.

«Темурбеклар мактаби»га автобус совға қилинди.

Шавкат Мирзиёев Фарғона туманидаги «Комилжон ота Мамажонов» фермер хўжалигида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш, аграр соҳани ривожлантиришда илғор тажриба ва инновацияларни, замонавий агротехник тадбирларни қўллаш, мева-сабзавотни қайта ишлаш ва экспортини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, кўплаб иш ўринлари яратиш имконини бераётир.

2005 йили ташкил этилган «Комилжон ота Мамажонов» фермер хўжалиги 72 гектарда деҳқончилик қилади. Жорий йилда 31 гектар ердаги ғалладан 70 центнердан ҳосил олиш ва 135 миллион сўм соф фойда кўриш кўзда тутилган. Шунда давлат шартнома режаси 110 фоизга бажарилади, фермер ихтиёрида 80 тонна дон қолади. Бундан хўжаликда меҳнат қилаётган 20 нафардан ортиқ ишчи ҳам манфаатдор. Бундан ташқари, хўжаликда 7 гектар узумзор, 14 гектар боғ ташкил этилган. 9 гектарда чорва учун озуқа экинлари, 11 гектарда эса сабзавотлар экилиб, парваришланмоқда.

Фермер хўжалиги аъзолари ғалладан бўшаган 31 гектар майдонга такрорий экин сифатида мош экишни режалаштирган. Етиштириладиган маҳсулотнинг харидори ҳам бор, сабаби хўжалик экспортёр корхона билан 20 тонна ташқи ҳамда 45 тонна ички бозорга мош сотиш бўйича шартнома тузган. Бундан эса 130 миллион сўм фойда кўрилади.

Шунингдек, хўжалик фаолиятини кенгайтириш, даромадини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг учун тижорат банкидан 1,8 миллион доллар кредит олинади ва 5 гектар майдонда лимончилик йўлга қўйилади.

Деҳқончиликда қишлоқ хўжалиги техникаларининг ҳам ўрни катта. Фермер хўжалиги ҳисобидаги «Кейс», «Класс Доминатор» комбайнлари, «Орион» ҳайдов трактори, боғ қатор орасига ишлов берувчи мини-трактор, экскаватор каби техника ва агрегатлар ер унумдорлиги, иш самарадорлигини ошириш, ҳосилдорликни кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу ерда вилоят фермерлари билан мулоқот қилди. Жорий йилда сувдан омилкорлик билан тежаб фойдаланиш, далага такрорий экинларни тўғри жойлаштириш ва ҳосилдорликни ошириш, уруғ сифатини яхшилаш бўйича долзарб вазифалар турганини таъкидлаб, мутасаддиларга бу борада зарур топшириқлар берди.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани сингари Фарғонада ҳам ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Уларни ишга солиб, қўшимча даромад топиш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш мумкин. Бунинг учун самарали ҳаракат қилиш, одамларда тадбиркорлик фаолиятига бўлган қизиқишни кучайтириш, томорқадан унумли фойдаланиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ернинг ўзида Президентимизга Фарғона вилоятида 2019-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, иссиқхона, мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, пахтачилик кластерлари, логистика маркази ташкил этиш, совутгичли омборхоналар қуриш каби 493 лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳалар амалга оширилгач, 10 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Шунингдек, Қува ҳамда Олтиариқ туманларида мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперацияларини ташкил этиш, вилоятда 2019-2020 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида 2 минг гектар майдонда боғ ва токзорлар барпо этиш, Олтиариқ туманидаги «Агро макс долина» корхонаси томонидан гўшт етиштириш ва қайта ишлаш кластерини ташкил этиш, Қўқон шаҳридаги «Kokand milk quality» МЧЖ томонидан сутни қайта ишлашни кенгайтириш бўйича инвестиция лойиҳалари, жорий йилда инновацион ютуқларни амалиётга жорий этган ҳолда ветеринария хизматини ривожлантириш, Фарғона шаҳрида «UZ-SEGANG» МЧЖ томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт логистика маркази ташкил этиш, Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш бўйича «Фаза-2» лойиҳаси, паррандачилик ва туяқуш боқишни, чорвачилик ва наслчилик ишларини ривожлантириш ва аҳоли даромадларини ошириш лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

2019 йилда Қува тумани ва Қувасой шаҳрида 300 гектар гилос боғи, Олтиариқ ва Ўзбекистон туманларида 200 гектар ўрикзор ва узумзор ташкил этилади. 2020 йилда қўшимча 1500 гектар майдонда боғ барпо қилинади. Бунинг учун 38,6 миллион доллар маблағ сарфланиши режалаштирилган. Умуман, вилоят озиқ-овқат саноатида 2019-2020 йилларда 703,4 миллиард сўм маблағ эвазига 81 та лойиҳа амалга оширилади. 1 минг 500 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

◀ Давоми, бошланиши 1-бетда.

Фахрийлар улуғланди

Термиз туманидаги «Отчопар» майдонида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронторти меҳнат фахрийлари, нуроний отахон ва онахонлар иштирок этган тадбирда ўтганлар хотираси ёдга олиниб, кекса авлод вакилларини эъзозлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камолга етказишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Сурхондарё вилоятида 63 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, уч мингта яқин фронторти меҳнат фахрийси умргузаронлик қилмоқда. Уларнинг осуда, обод ва тўкин турмуш кечириши учун барча шароит яратилган. Айни кунларда давлат ва жамоат ташкилотлари, ёшлар бугунги тинч, фаровон ҳаётимиз учун курашган уруш иштирокчиларининг ҳолидан хабар олиб, уларга меҳр улашмоқда. Совға-саломлар билан дилларини хушнуд этмоқда.

Тўкин дастурхон атрофида ўтказилган мазкур тадбир ҳам ана шундай эзгу мақсадларга йўналтирилгани билан барчага бир олам завқ улашди. Узоқ йиллар вилоятда ҳалол ва самарали меҳнати билан барчага ўрнак бўлган 51 фахрийга I, II ва III даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонлари тантанали топширилди.

Тадбир доирасида «Отчопар» майдонида Иккинчи жаҳон уруши акс эттирилган ҳудуд барпо қилиниб, окоп ва блиндажлар, ўша даврнинг ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Санъаткорларнинг қизиқарли куй-қўшиқлари даврага ўзгача шукуҳ бағишлади.

Байрам тадбирида Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Боболов сўзга чиқди.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Мустақилликнинг илк йилларида, янги давлат барпо этишга эндигина киришилган, бири-биридан оғир муаммолар қалашиб ётган бир пайтда уюшган жиноятчилик зўрайиб, жамиятга таъсир кучини ўтказишга урина бошлаган эди.



Ўз касбининг фидойиси эди

Ўша пайтда Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар бўлимига ишга кириш учун ҳужжат топширган Набижон Айдусов Лабзакдаги босмахонада хизмат қиларди. Отаси Қозоқвой ака ИИВ тизимида фаолият кўрсатиб, нафақага чиққан, акалари Комилжон, Собиржон ва Суннатилла ҳам ота йўлини танлашган эди.

Онаси Рашидахон ая кенжа фарзандининг бу ишидан норози бўлди, ота эса аксинча, уни қўллаб-қувватлади:

— Ўғлим Айдусовлар сулоласининг давомчиси бўлса, бунинг нимаси ёмон? Бу касбни танлаган одам қийинчиликларни ҳам бўйнига олади. Йигит кишининг хизматчилик юзасидан ишга эрта кетиб, кеч келиши эса касб тақозоси, — дея Набижонга оқ фотиҳа берди...

Ҳарбий денгиз флотида хизмат қилган Набижон 1990 йилда спорт бўйича белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтиб, Шайхонтоҳур туман Ички ишлар бўлимига кичик инспекторликка қабул қилинди...

Набижон Айдусов ўзи севган касбида атиги икки йил ишлади. Ҳалоллиги, ҳамкасбларига муносабати, хизмат пайтида вазиятни тўғри баҳолаб, тезкор иш тутиши туфайли обрў-эътибор қозонди, туман ҳудудида кўплаб уюшган жиноятчиликларни бартараф этишда қатнашди. 1992 йилнинг 7 апрелида, кеч соат 19.00ларда «Чорсу» меҳмонхонаси майдонида тўпланган жиноятчилар гуруҳини қўлга олиш бўйича ўтказилган навбатдаги тезкор тадбирда Набижон ҳам бор эди...

Қочишга уринаётган жиноятчилардан бири кутилмаганда Набижоннинг кўксига пичоқ санчди. У бир зарб билан жиноятчини ерга ётқизди, лекин оғриқ зўридан йиқилди...

Жиноятчилар ушланди, ҳамкасблар зудлик билан Набижонни меҳмонхона яқинидаги шифохонага етказиб келишди. Ярадор жарроҳлик столига ётқизилди, тезкор муолажа бошланди. Лекин қон кетиши тўхтамади. Жарроҳлар баданга санчилган қўлбола пичоқ умуртқа ёнида жойлашган қон томирини кесиб юборганини аниқладилар. Ярадорга ҳар қандай кўмак кўрсатишга, қон беришга тайёр турган ҳамкасблари кўп эди. Афсуски, ўша давр тиббиёти бундай мураккаб амалиётни бажаришга ожизлик қилди...

— Ўша куни ярим тунда уйимизга келган милиция ходими қайноғам Комил аканинг яшаш манзилини биздан сўраб олди, кейин ҳеч нарса демай чиқиб кетди, — деб **эслайди Набижоннинг турмуш ўртоғи Зулхумор Йўлдошева.** — Кейин билсам, улар бу машъум хабарни бизга қандай етказишни билмай, Комил акага айтишган экан. Эртасига эрталаб Суннатилла ака уйга кириб келди, рангида-ранг йўқ. Қайнонам ўғлидан «Набижон бугун уйга келмади, хабаринг борми?», деб сўради. Суннатилла аканинг гапиришга ҳам чоғи бўлмай йиғлаб юборди...

Набижон Айдусов ҳалок бўлганида якка-ю-ёлғиз фарзанди Сарвар эндигина бир ёшу тўққиз ойлик бўлганди. У ўғлини жуда яхши кўрар, ярим тунда ишдан қайтганида турмуш ўртоғи Зулхумор қаршилик қилса ҳам уни уйғотиб олар, «Ҳали кўрасан, Айдусовлар сулоласининг бу кенжа вакили машҳур изқувар бўлади», деб эркалар эди. Машъум воқеадан кейин Зулхумор қайтиб турмуш қилмади, умрини Набижондан қолган ёлғиз ёдгорига бағишлади...

Сарвар мактабда ўқиб юрган пайтларида инглиз тилини мукаммал ўзлаштирди, Тошкент молия ва иқтисод коллежини аъло баҳолар билан битирди. Ота йўлини танлашга иштёқи баланд бўлса ҳам, онасининг раъйини қайтаролмади. Туроператорлик курсида таҳсил олди. Энди хорижий фирма ҳамкорлигида туристик фирма очиш ниятида юрибди...

Эл-юрт осойишталигини таъминлаш, хизмат вазифасини ўтаётган пайтида қуролланган жиноятчиларни қўлга олиш вақтида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун ИИБ кичик инспектори, сержант Набижон Айдусов вафотидан сўнг ИИВ томонидан давлат мукофотига тавсия этилди, Тошкент шаҳар ИИБ Бош бошқармаси ҳудудида юрт осойишталиги йўлида ҳалок бўлган милиция ходимлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик монументига унинг сурати қўйилди...

Ички ишлар ходимлари жасорати, бурчга садоқати ҳақида гап кетганда, Набижон Айдусов номи ҳам ҳурмат билан тилга олинади.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИЛИК

«Ҳумо» миллий тўлов тизими:

янада қулай, янада ишончли

Миллий матбуот марказида «Асака» акциядорлик тижорат банки томонидан пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда республикамизда туризмни ривожлантириш ва туристларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Асака» акциядорлик тижорат банки биринчилардан бўлиб «MasterCard», «UnionPay» ва «UzCard» тўлов тизимларининг карталарини банкомат ёки терминалда хизмат кўрсатиш амалиётини жорий қилгани таъкидланди. Шунингдек, ушбу молия муассасасидан яна бир янгилик: эндиликда ушбу банкоматлар жорий йилнинг май ойидан бошлаб «Ҳумо» миллий тўлов тизимининг карталарига ҳам хизмат кўрсата бошлаши тўғрисида маълумотлар берилди.

— Президентимизнинг 2018 йил 19 сентябрдаги «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига асосан банк томонидан Тошкент шаҳар ҳудудида жами 1 минг 550 дона «Ҳумо» миллий тўлов тизимига мансуб тўлов терминали ўрнатилди, — дейди **«Асака» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси ўринбосари Бобохон Абдуллаев.** — Айни кунда «Ҳумо» миллий тўлов тизими вилоятларда ҳам татбиқ этилмоқда. Бундан ташқари, бугунги кунда республикамизнинг барча вилоятларида банкнинг 27 филиали, 16 та туну кун ишлайдиган 24/7 (бир ҳафта давомида куну тун ишлайдиган) шохобчаси, 70 банкомат ва 98 инфокиоскаси мижозлар хизматида. Шунингдек, банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карталар сони 1,8 миллион донани ташкил этса, ўрнатилган терминаллар сони 11 мингдан ошган.

Қолаверса, мижозларга қулайлик яратиш ва масофавий хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида «Asaka mobile» мобиль иловасини ҳам жорий қилган. Ушбу илова орқали картадан картага пул ўтказиш, онлайн омонат очиш, онлайн конверсия амалиётини ўтказиш, кредитларни сўндириш, коммунал, бюджет, солиқ, интернет ва бошқа хизматлар бўйича тўловларни ўтказиш имконияти мавжуд. «Asaka mobile» мобиль илова орқали «оилавий карталар»ни бошқариш янги хизмат тури амалиётга татбиқ этилди. Бу хизмат тури орқали мижозлар оила аъзоларига қўшимча карталар олиши ва ўз ҳисоб рақамидан ўзи белгилаган лимит доирасида амалиётлар бажариши мумкин.

(Ўз мухбиримиз)

Сенат муҳим ҳисоботларни эшитиб, қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Ниғматилла Йўлдошев олиб борди.

Сенат аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Муҳокамада прокуратура органларининг 2018 йилдаги фаолияти мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга, қонун билан ҳимоя қилинаётган жамият ҳамда давлат манфаатларини таъминлашга, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилгани таъкидланди.

Кўрилган чоралар натижасида ҳисобот йилида жиноятчиликни ўтган йилга нисбатан 33,5 фоизга камайтиришга эришилди. 9022 та маҳалладан 2301 тасида (25,5 фоиз) бирорта ҳам жиноят содир этилмаган. «Global law and order» халқаро ташкилоти маълумотларига кўра, Ўзбекистон дунёнинг энг хавфсиз давлатлари рейтингида Сингапур, Норвегия, Исландия, Финляндия давлатларидан кейин 5-ўринни эгаллади.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, тезкор-қидирув ва тергов фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида асосий эътибор жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг асл сабабларини аниқлашга, бунга шароит яратиб берган омилларни бартараф этишга қаратилди. Бу йўналишда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар билан ҳамкорликда «хавфсиз шаҳар», «хавфсиз туризм», «хавфсиз хонадон» тизимлари жорий этилди. Бош прокуратура академиясида Жиноят содир этиш сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш маркази ташкил этилди, маҳаллалар кесимида жиноятлар сони ва турини таҳлил қилиш имконини берувчи электрон геоахборот хариталарини жорий қилиш ишлари бошланди.

Бир қатор вазифаларни инновацион йўл билан ҳал этиш имконини берувчи «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика» ахборот тизими ишга туширилди. Жиноят содир этишга мойил шахслар 9 та тоифага ажратилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, манзилли профилактика тадбирлари ташкил этилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан тадбиркорлик субъектларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида қонун ҳужжатларини тушунтириш ва иқтисодий ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича 68,7 мингта тадбир ўтказилди. Тадбиркорлик билан ноқонуний шуғулланган 3483 нафар шахснинг рўйхатдан ўтиши таъминланди, 9,2 минг фуқарога тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, хуфёна иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 8146 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 3392 та маъмурий ва 4178 та жиноят иши қўзғатилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳисобот даврида 1907 нафар мансабдор шахс турли кўринишдаги мансабдорлик жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилди. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, коррупцияга муросасизлик ҳиссини шакллантириш мақсадида 6819 та учрашув ўтказилди, оммавий ахборот воситалари орқали 948 маротаба чиқиш уюштирилди. Коррупциянинг олдини олишга бағишланган видеороликлар телевидение орқали мунтазам намойиш қилинмоқда.

Ҳисобот даврида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Келиб тушган жами 477495 та мурожаатнинг 291413 таси бевосита прокуратура органлари томонидан кўриб чиқилиб, 270092 нафар фуқаро қабул қилинди. Прокуратура органларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналаридан келиб тушган 104747 та мурожаатдан 98 мингтаси ёки 93 фоизи прокуратура органларининг ўзида ҳал этилиб, 39531 таси ёки 37,7 фоизи қаноатлантирилди, 52694 тасига ёки 50,3 фоизига тегишли тушунтиришлар берилди.

Бундан ташқари, 11,4 миллиард сўмлик иш ҳақи, пенсия, алимент ва бошқа тўловларни олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Ноқонуний ҳужжатларга 1437 та протест келтирилди, қонунбузилишларни бартараф этиш ҳақида 539 та тақдимнома киритилди, 11,8 миллиард сўмлик зарарни ундириш ҳақида судларга 960 та ариза берилди. 1580 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузиш ҳолатлари бўйича 261 та жиноят иши қўзғатилди.

Ҳисобот даврида прокуратура органлари томонидан энергетика ресурслари учун қарздорликни камайтириш бўйича муҳим вазифалар бажарилди. Жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан кўрилган чоралар натижасида 28,1 триллион сўм ундирилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2018 йил якунида энергия ресурслари ва ичимлик сувидан қарздорлик ўтган йилга нисбатан 70,3 миллиард сўмга камайди.

Суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида 16,4 триллион сўм ундирилди. Суд ҳужжатларини ўз муддатида ижро этмаган шахсларга нисбатан 13,1 миллиард сўм жарима қўлланилди.

Тегишли идоралар билан биргаликда 100 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали 7945 маротаба чиқиш уюштирилди.

Шу билан бирга, фаолиятнинг айрим йўналишлари бўйича прокурор назоратини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, жиноятларни ҳисобга олмай яшириш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан инсон ҳуқуқларини бузиш, ор-номус ва қадр-қимматни топташ ҳолларига тўлиқ барҳам берилмаётганлиги қайд этилди.

Тезкор-қидирув ишлари лозим даражада олиб борилмагани натижасида жиноятларнинг 3737 таси ёки 15,7 фоизи фош этилмади, қидирувда бўлган шахсларнинг 8188 нафари ёки 59,5 фоизи ушланмади.

Ҳисобот даврида 1100 нафар вояга етмаган шахс томонидан жиноят содир этилгани фуқароларнинг бу тоифасини ижтимоий ҳимоя қилиш, ўқитиш, улар қаровсиз қолдирилишининг ва улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини тасдиқлаб турибди.

Бундан ташқари, прокуратура органлари давлат бошқаруви ва назорати органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқларини бузиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш, муаммоларини ҳал этишда сустлик қилиш ҳолларига чек қўйишга устувор даражада аҳамият бериши кераклиги таъкидланди. Муҳокама якунлари бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра парламентнинг юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар.

Ҳисоб палатасига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши Давлат бюджетини лозим даражада ижро этишга, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан ва кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланишга кўмаклашиши таъкидланди.

Ҳисоб палатасининг 2018 йилдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ва бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал қилишга, Давлат бюджетини шакллантирадиган ва унинг даромадларини кўпайтирадиган захираларни аниқлашга, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини ижро этишга қаратилди.

Жумладан, ўрганиш ва таҳлил, кўрилган чора-тадбирлар ҳамда кўрсатилган ёрдам натижасида жойнинг ўзида солиқ тўловчилар – юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолияти таҳлил қилинди, Давлат бюджетига 4,7 триллион сўмлик даромадлар қўшимча равишда ундирилди.

Тегишли назоратни таъминлаш билан бирга, бюджет маблағларидан фойдаланиш масаласида йўл қўйилган камчиликлар сабаблари таҳлил қилинди, уларнинг олдини олиш чоралари кўрилди. Натижада камчилик ва хатолар, шунингдек, 1,2 триллион сўмлик ва 74,2 миллион долларлик самарасиз харажатлар аниқланди.

Ҳисоб палатасининг қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлари асосида 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва баённомалар қабул қилинди.

Шу билан бирга, Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига тушумларнинг тўлиқлигини, уларнинг мақсадли шакланишини ва самарали ижро этилишини таъминлаш, солиқ соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш ва бюджетга қўшимча даромад манбаларини аниқлаш бўйича ишларни мунтазам давом эттириш талаб этилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларнинг тўлиқ ҳамда самарали ижросига тўсқинлик қилаётган тизимли камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Муҳокама якунлари бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар Тошкент вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботини эшитдилар.

Қайд этилишича, республика ялпи ички маҳсулотида Тошкент вилояти улуши 10,4 фоизни ташкил этади. 2018 йилда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 38,3 триллион сўмга етди, 2017 йилга нисбатан ўсиш 106,4 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш ишлари натижасида 2017 йилда 147,1 миллиард сўм, 2018 йилда 1,25 триллион сўм ўзлаштирилди.

Вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 2018 йилда тижорат банклари томонидан жами 2,3 триллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бунинг эвазига 5 мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг умумий сони деярли 29 мингга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятга 2017-2018 йиллардаги ташрифлари вақтида берилган 800 дан ортиқ топшириқларни бажариш доирасида 560 дан зиёд лойиҳа амалга оширилмоқда. Масалан, 2018 йил февраль ойида Вилоят скрининг маркази ташкил этилди, натижада ҳомиладор аёлларни Республика скрининг марказига юборишга эҳтиёж қолмади.

Шу билан бирга, Тошкент вилоятида ҳудудларни ривожлантиришга ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатадиган кўплаб муаммо ва камчиликлар борлиги қайд этилди.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилишга айрим вазирлик ва идоралар комплекс ёндашмагани туфайли бу масалалар ўз аҳамиятини йўқотмади. Жумладан, Ташқи ишлар, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари ҳамкорлиги етарлича самарали эмаслиги туфайли импорт ҳажмини камайтириш борасида сезиларли натижаларга ҳали эришилгани йўқ. Хусусан, 2018 йилда вилоятда экспорт ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, импорт ҳажми эса 2,5 миллиард АҚШ долларига етди.

Вилоят аҳолисини ташвишга солаётган муаммолар орасида коммунал хизматларга оид масалалар йиллар давомида ўз ечимини топмаяпти. Жумладан, туман марказларидан олис ҳудудларда жойлашган кўп қаватли уйларнинг 46 фоизида иситиш тизимлари ишдан чиққан. Кўп қаватли уйлар хонадонларининг 80 фоизида иситиш батареялари тегишли тизимга уланмаган.

Маҳаллий буғ қозонлари қуриш назарда тутилган бўлишига қарамай, буларнинг барчаси мансабдор шахслардан қўйилган вазифаларга масъулиятлироқ ёндашишни ҳамда соҳага ихтисослашган вазирлик ва идоралар билан уюшган ҳолда иш олиб боришни талаб қилади. Муҳокама якунлари бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар 2019 йилда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш дастурига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Аввал хабар берилганидек, Сенатнинг ўн еттинчи ялпи мажлисида-ги тегишли қарори билан 2019 йилда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш дастури тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилингач, фермер хўжаликларининг ер участкалари мақбуллаштирилди. Шу муносабат билан Дастурга Сенат томонидан тасдиқланган тегишли ўзгартишлар киритилди.

Сўнгра сенаторлар Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Берилган имтиёзлар ва преференцияларга қарамай, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан санитария қоидалари ва нормаларига, гигиена нормативларига риоя қилинмаётган ҳолатлар кузатилаётгани, бу эса салбий оқибатларга олиб келаётгани қайд этилди. Шу муносабат билан парламент сўрови юбориш зарурати юзага келди. Мазкур масала бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар Сув объектларига оқинди сувларни оқизиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазирига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Сенаторлар Контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш ва уни ўташга оид қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига юборилган парламент сўрови натижаларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 14 декабрдаги қарорига мувофиқ мазкур парламент сўрови Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига юборилган эди.

Параламент сўровига 2019 йил 20 мартда берилган батафсил жавобда мавжуд муаммо ва камчиликларни, хусусан, контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш ва уни ўтишнинг амалдаги тизимидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўрилгани таъкидланди. Хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳарбий хизматдан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомнинг янги лойиҳаси, шунингдек, контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш тартибини такомиллаштириш, мавжуд сансоларликни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Ялпи мажлис давомида Ўзбекистон Республикасининг Польша Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчисини тайинлаш, Олий суд таркибига ўзгартиришлар киритиш ва Олий Мажлис Сенати Кенгаши қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида 23 та масала, шу жумладан, 8 та қонун кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси сенаторлари томонидан маъқулланган қонунлар жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга, ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлашга, шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.
(Ахборот айрим қисқартиришлар билан берилди.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 3-бандига ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОРҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар:

Абдулло Садуллоевич **Аллаев** ўн йил муддатга

Кароматжон Худайберганович **Давлетова** ўн йил муддатга

Алишер Абдухалимович **Жалилов** ўн йил муддатга

Гулнора Ахатовна **Парпиева** ўн йил муддатга

Шухрат Эсанбаевич **Ражабов** ўн йил муддатга

Сарварбек Азимжонович **Рахмонов** ўн йил муддатга

Камолиддин Суннатович **Толлибаев** ўн йил муддатга

Анвар Хамидович **Шукуруллаев** муддатсиз даврга

Хасан Сунатиллаевич **Эгамбердиев** муддатсиз даврга

Эркин Одилович **Эргашев** ўн йил муддатга

Махмуд Уразбоевич **Эшимбетов** ўн йил муддатга

Хуршид Абдувахобович **Эшмуратов** ўн йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлансин.

2. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан:

Кудратилло Мирабдуллаевич **Бабаев**

Умидахон Адхамовна **Имомова**

Зафар Сафарбоевич **Назаров**

Нодиржон Турсунболтаевич **Ражабов** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **Н.Йўлдошев**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 4 май

◀ *Давоми, бошланиши 1-бетда.*

Ички ишлар тизимига

ишга қабул қилиш ёки рад этиш масаласи 40-50 кун ичида ҳал этилади

Миллий матбуот марказида Ички ишлар вазирлигининг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси матбуот анжумани ўтказди. Унда ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш, тизимдаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва лицейлар масаласи муҳокама қилинди.

— Жорий йилнинг биринчи чорагида жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31,6 фоизга камайди, маҳаллаларнинг 78 фоизида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади, — дейди **Ички ишлар вазирлигининг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Қутбиддин Бурхонов.** — Президентимизнинг 2018 йил 24 декабрдаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорининг қабул қилиниши жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишларни янги босқичини белгилаб берди. Мазкур қарорга асосан, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган янги тизим жорий этилди.

Жорий йилнинг 3 ойида 4 мингдан ортиқ ходим рағбатлантирилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 3 ойида республика ҳудудида содир этилган жиноятлар сони 3 минг 43 тага ёки 31,6 фоизга, жиноят қидирув йўналишидаги жиноятлар сони 2 минг 578 тага ёки 40,8 фоизга камайишига эришилди. Шунингдек, 9 минг 22 маҳалладан 7 минг 38 тасида ёки 78 фоизида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Ёшларни ва вояга етмаган шахсларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни диний экстремизм, эўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш ички ишлар органлари олдида турган энг муҳим йўналишлардан биридир. Бугунги кунда ёшлар билан манзилли ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Шу сабабли жорий йилда ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилаётган жиноятларни маҳаллалар, таълим муассасаларида муҳокама қилиш, тарғибот-ташвиқот тадбирлари кучайтирилиб, ёшлар орасида 48 мингдан ортиқ давра суҳбати ва учрашувлар ўтказилди.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 221 минг 980 нафар бандлиги таъминланмаган ёшлар касб-ҳунар ўрганишлари учун ўқитилди. Шунингдек, 29 минг 450 нафари ҳунармандликка, 31 минг 628 нафари касаначиликка жалб этилиб, 37 минг 856 нафари меҳнат ярмаркалари орқали ишга жойлаштирилди. Қолаверса, 21 минг нафардан ортиқ йигит-қизга «Ҳар бир ёшга — бир гектар» лойиҳаси доирасида ер ажратилди. 13 минг 437 нафари эса деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерларига жалб қилинди.

Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ишга жойлаштириш, касб-ҳунарга йўналтириш, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ўз-ўзини банд қилиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида барча туман, шаҳарларда «Ёшлар бандлигига кўмаклашиш ҳафталиги» ўтказилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида ёшлар (18-30 ёш) жиноятчилиги жорий йилнинг 3 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39,5 фоизга, жиноят содир этган коллеж ва лицей ўқувчилари сони 59,2 фоиз камайишига эришилди.

Тадбир давомида Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида кимлар таҳсил олиши ҳамда нечанчи синфдан ўқувчилар қабул қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги саволларга ИИВнинг ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, подполковник Шерали Тўраев жавоб берди.

— Президентимизнинг 2017 йил 29 ноябрдаги ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори асосида вазирликнинг «ЖАР» — спорт-соғломлаштириш комплексига қарашли ҳарбийлаштирилган мактаб-интернат базасида Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкил этилди. Ушбу таълим муассасасига ички ишлар органларининг, биринчи навбатда, хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган, шунингдек, хизматни ўташ давомида олган ярадорлиги, касаллиги ва жароҳатланганлиги оқибатида ногиронликка учраган ёки вафот этган ҳарбий хизматчи ва ходимларининг ҳамда бошқа фуқароларнинг умумтаълим муассасаларида 4-синфни тамомлаган фарзандлари (ўғил болалар) ҳар йилги қабул квоталарига мувофиқ танлов асосида қабул қилиниши белгиланган. Янада аниқроқ айтадиган бўлсам, қабул квоталарининг 80 фоизи юқорида келтирилган тоифалар учун, яна 20 фоизи бошқа болалар учун ажратилади.

Хусусан, мактаб-интернатда ўқувчилар 5-синфдан 9-синфгача белгиланган таълим дастурлари асосида зарур шарт-шароитлар, тиббий хизмат билан бепул таъминланган ҳолда доимий яшаб, таълим олишади. Шу билан бирга, ўқувчилар ўқиш даврида кунлик тўрт маҳал озиқ-овқат, мавсумий кийим-кечак ва бошқа буюмлар билан ҳам бепул таъминланади.

Шунингдек, тадбирда ички ишлар органларига ишга кириш учун керакли ҳужжатларни топширган фуқаролар йиллаб кутиб юришининг боиси нимадалиги борасида берилган саволга Ички ишлар вазирлигининг Кадрлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Рустамбек Камолов жавоб берди.

— Ички ишлар органларига ишга қабул қилиш жараёнида маълум ўрганишлар талаб қилинади. Ўтган йили вазирлигимиз томонидан ишга кирмоқчи бўлган фуқароларнинг эътирозлари ҳисобга олиниб, ишга қабул қилишда соддалаштирилган тизим жорий этилди. Эндиликда ишга қабул қилиш ёки рад этиш масаласида 40-50 кун ичида жавоб берилади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Йиллар давомида иш қидираётган юртдошларимизнинг овозини эшитмаяпмизми?..

Зерикаётган сенаторлар, мудраётган қатнашчилар

Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисидан репортаж

3 май, соат 9:20. Олий Мажлис Сенатининг катта мажлис зали. Сенаторлар, ҳукумат вакиллари залга бирин-кетин кириб келяпти.

Ҳукумат аъзолари бир-бирлари билан қуюқ сўрашяпти. Айниқса, нисбатан ёшроқ ҳисобланадиган вазирлар ўзаро анча илиқ ва самимий муносабатда экани сезилади. Уларнинг орасида Адлия вазири Русланбек Давлатов ҳамда Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов фаолроқ мулоқотда бўляпти. Бу икки вазир ёнма-ён ўтиргани учун шундай кўрингандир, эҳтимол.

Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳакимов ним табассум, очиқ чеҳрада юриши билан ҳукумат аъзолари орасида ажралиб турибди. Бир қанча сенаторлар Бош прокурор Отабек Муродов билан қуюқроқ сўрашиб, кўпроқ мулоқот қилишга, нималарнидир айтиб қолишга интилгандай туюлади.

Энг ёш вазирлардан бири, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Шерзод Кудбиев қўл телефонининг экранига қараб, хотиржам, айни пайтда ўйчан ўтирибди.

Соат 9:46. Деярли барча ўриндиқлар тўлиб бўлди.

Умуман, вазирлар ва турли давлат идоралари раҳбарлари бир-бири билан мулойим гаплашишга, ҳурматини ифода этишга ҳаракат қиляпти. Катта раҳбарлик вазифаларига эга бўлмаган сенаторлар эса анча камтар бўлиб ўтирибди, балки бу хаёлга шунчаки келиб қолган фикрдир...

Айрим сенаторларнинг олдида газеталар, журналлар, кроссворд-бошқотирмалар ҳам кўзга ташланади.

Соат 9:58...

Залга Сенат раҳбарияти кириб келди, сенаторлар рўйхатдан ўтди, давлат мадҳияси янграй бошлади, ҳамма ўрнидан туриб, ўнг қўлини чап кўксига қўйди...

Айрим ташкилий масалалардан сўнг Сенат раиси Ниғматилла Йўлдошев Ўзбекистондаги ислоҳотлар натижалари тўғрисида маъруза қила бошлади, кишининг кўнглини кўтарадиган мисоллар келтирилди...

Сенат раиси «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури ижроси бўйича бир кун аввал ўтказилган видеоселектор йиғилишида катта маблағлар самарали йўналтирилмагани танқид қилинганини таъкидлади. Айрим давлатлар пул тополмаётган бир пайтда бундай совуққонлик ва масъулиятсизликка ўрин йўқлигини айтди.

Суғурта соҳасидаги жиддий муаммога эътибор қаратилди. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта ташкилотлари чет элдаги суғурта компанияларига 2017 ва 2018 йилларда қарийб 300 млрд. сўмлик суғурта тўловларини ўтказиб берган. Суғурта ташкилотларига ташқаридан келиб тушган суғурта тўловлари миқдори бу даврда 30 баробар кам бўлган.

Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунда акс этган битта меъёр туфайли миллиардлаб пуллар хорижга чиқиб кетаётган экан. Шунинг учун бу қонунни қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келганига урғу берилди...

«Сувоқава» давлат унитар корхонасига қарашли сув тозалаш иншоотларининг 88 фоизи фаолият юритмаётгани, республикадаги 60 га яқин сув тозалаш иншоотидан чиқаётган оқава сувларда ҳам зарарли моддалар меъёрдан бир неча марта юқори экани танқид қилинди...

Мамлакатимизда 600 минг нафардан ортиқ ногиронлиги бор киши меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги номувофиқликлар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлардаги турли сунъий тўсиқлар, керак-

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

сиз текширишлар ва аҳамиятсиз маълумотномалар сўрашдан азият чекаяпти. Ногиронлиги бор инсонлар қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан фойдаланиш учун давлат мулозимларидан «мурувват» кутишга мажбур бўляпти...

Тошкент вилоятида минглаб иш ўринлари бўш турибди. Йиллар давомида иш қидираётган юртдошларимизнинг овозини эшитмаяпмизми?..

Н.Йўлдошев маърузасида ана шундай маълумотлар келтирилди, бир томондан аччиқ, бошқа томондан аламли саволлар ҳам берилди.

Соат 10:41. Кириш сўз, маъруза тугади. Кун тартиби тасдиқланиб, муҳокамалар бошланди.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун бўйича сўзга чиққан сенатор паст ва юмшоқ овозда 10 дақиқача маъруза ўқиди. Бу вақт ичида залда ўтирган айрим қатнашчилар зерикаётгандай туюлади.

Хоразмдан сайланган сенатор Баҳодир Тожиев қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун ва унинг аҳамияти ҳақида баланд овозда маъруза ўқиди. Залда фаоллашиш сезилгандай бўлди.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси раиси Абдушукур Абдуллаев савол берган сенаторга жавобан ер участкаларини хусусийлаштириш учун сотиш жараёни интернет-онлайн тартибда, очиқ ва шаффоф амалга оширилишига ваъда берди.

Сенат раиси қонунни овозга қўйишга чоғланаётган паллада Бош вазир ўринбосари, Молия вазири Жамшид Қўчқоров сўз сўраб, муҳокамадаги қонун бўйича ҳукумат қарашини билдирди. Қонун муҳокамаси пайтида ҳукумат вакиллари ўз ташаббуси билан камдан-кам ҳолларда сўз сўрайди.

Қандай масалалар кўриб чиқилиши, кимлар сўзга чиқиши, кимлар кимларга қандай саволлар бериши олдиндан белгилаб қўйиладигандай туюладиган, бунинг устига, шу тахлит кун бўйи давом этадиган йиғилишда ўтириш анча мураккаб.

Умуман, Сенат мажлисида қонунлар ўзига хос уч босқичда кўриб чиқилади. Дастлаб қонун ҳақида умумий маъруза ўқилади, ҳукумат вакилларига саволлар берилади, шундан сўнг муносабат билдириш учун сенаторларга сўз берилади. Кейин қонун овозга қўйилади.

Жараён ҳар доим бир хил, ўта расмий кайфиятда давом этиши одамни толиқтириб қўйиши мумкин.

Жамият ва давлат учун қонун қабул қилиш катта ҳодиса. Бу ҳужжатлар эртага юртни тараққий эттириши ё тўсиқ яратиши мумкин, шундай қонунлар борки, 10, 100 минглаб фуқаролар ишлайдиган соҳалардаги муҳитни, тартиб-қоидаларни ўзгартириб юбориши, яъни инсонлар ҳаёти ва тақдирига таъсир этиши ёки ҳеч нарсани ўзгартира олмаслиги мумкин. Шундай экан, қонун қабул қилиш ёки уни маъқуллаш ўта масъулиятли жараён, жиддий воқеа ҳисобланади...

Навбатдаги қонун овозга қўйилди. Айрим сенаторлар ўқиб турган газета ёки журнал саҳифасидан кўз узмасдан тўртта тугма ичидан «маъқуллаш» тугмасини топа олиши ва қарамасдан жуда аниқликда босиши кишини ҳайрон қолдиради.

Бу муносабат билдирувчи ҳаракатми ёхуд рефлексга ўхшаган, ўз-ўзидан рўй берадиган ҳаракатми, аниқ бир фикр билдириш қийин.

Кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиққан барча сенаторлар олдиндан тайёрланган матнларни оғишмай ўқиб бергани, саволлар кичкина қоғозчалардан ўқилгани муайян хулосалар учун муҳим белги бўлиши мумкин.

Навбатдаги қонуннинг аҳамияти ҳақида сўз юритилаётган пайтда сенаторлар, давлат идоралари вакилларини кузатамиз. Бир сенатор бошқа бир сенатордан бошқотирмадаги қандайдир сўзни топишда ёрдам сўради...

Балконда бир қатор вазирлик ва идоралардан таклиф этилган ходимлар зерикиб ўтиргани уларнинг юз-кўзи, ҳаракатларидан кўриниб турибди, айримлари мудраб кетишдан зўрға ўзини тийиб тургандек туюлади. Уларни тушуниш мумкиндир, икки-уч соат вақтнинг асосий қисмида маърузалар сокин ва расмий оҳангда ўқиб берилаётган пайтда диққатни жамлаб ўтириш осон эмас...

Ялпи мажлисда муҳим қонунлар 80 га яқин ва ундан ортиқ овоз билан маъқулланди. Баъзи қонунлар маъқулланишига айрим сенаторлар бетараф қолди...

Тарихий ўзгаришлар сари дадил қадамлар ташлаяпмиз, сўз ва фикр эркинлиги халқ миллат истиқболи учун нақадар азиз экани билиняпти, бу йилги парламент сайловларидан катта ўзгаришлар кутиляпти, жуда яқин йилларда парламентдаги баҳс-мунозаралар чинакамига қизийди, шунда ҳеч ким зерикмайдиган бўлади...

Балконда шулар ҳақида ўйлаб, яхши ниятлар билан ўтирганимизда ялпи мажлисда тушлик учун танаффус эълон қилинди...

Қарашларимиз, фикрларимиз кимнидир ранжитган бўлса, узр сўраймиз.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

15 май — Халқаро оила куни

Бахтли оиланинг сири нимада?

«Менинг оилам — менинг бахтим» шиори остида 15 май — Халқаро оила куни муносабати билан «Ёшлар пресс-клуби»нинг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ёшлар Иттифоқи «Ибратли оила» танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари, фан, санъат, маданият ва спорт, ишлаб чиқариш соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган намунали оилалар қатнашди. Иштирокчилар оила масалаларига боғлиқ фикр-мулоҳазалари, бахтли ва намунали ҳаёт кечириш сирлари билан ўртоқлашди. Шунингдек, ёшлар ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг «Ўзбекистонда оилани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини тадқиқ этиш» амалий лойиҳаси раҳбари, психолог Феруза Акромова марказда оила институтини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ва эришилган натижалар ҳақида маълумот берди.

— Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда 8,3 миллиондан ортиқ оила бор, — дейди **Феруза Акромова.** — Ўтган йили «Оила» маркази томонидан 2 миллиондан ортиқ «Ибратли оилалар» базаси шакллантирилган. Барчага намуна бўлаётган оилалар сонини кўпайтириш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, никоҳни мустаҳкамлаш, ёшларга оила муқаддас деган тушунчани сингдириш мақсадида турли тадбирлар, лойиҳалар ўтказиб келяпмиз.

Хусусан, 15 май — Халқаро оила куни муносабати билан 3 майдан эътиборан ойлик бошланди. Унинг доирасида «Фаровон оила — жамият равнақининг асоси» мавзусида телемарафон, «Фаровон оиланинг бунёдкори бўлайлик!» шиори остида ҳафталик, ҳудудларда «Отам — ишончим, онам — қувончим» иншолар ҳамда «Оилам — саодатим» ижодий ишлар танловлари ўтказилади.

— Ойлик доирасида ташкил этиладиган барча тадбирлар, танловларда исталган ёшдаги ҳамюртларимиз иштирок этишлари мумкин. Яъни, ёш чегараланмаган, — дейди **«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази матбуот хизмати раҳбари Гўзал Матяқубова.** — Масалан, ҳафталиклар доирасида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун расмлар кўргазмаси бўлиб ўтади. Унда болажонлар ўз ота-оналари ҳақида ҳикоя қилувчи расмлари билан иштирок этади. Шунингдек, оила, ота-она ҳақидаги шеърлар, асарлар, ҳикоя ва эртаклар, турли саҳна кўринишлари ҳам ташкил этилади. Мактабларда эса шу мавзуда иншолар танловлари бўлиб ўтади. Мақсадимиз, мазкур ойлик доирасида имкон қадар республикамизнинг барча ҳудудлари, қишлоқларию маҳаллаларини қамраб олишдан иборат. Болаларга боғча ёшиданоқ оиланинг муқаддаслиги, уни асраб-авайлаш ҳақидаги тушунчаларни сингдириш орқали муносабатини шакллантириб бориш айни муддао бўлади.

Шу билан бирга, ойлик доирасида иккита йирик конференция ва битта танлов ўтказилади. Конференцияларда ОАВда оила масалаларининг ёритилиши, оммага етказишда маълумотларнинг холислиги, ҳаққонийлиги, шов-шувлардан йироқлиги ва албатта, ваҳима уйғотмаслиги масалалари ҳам муҳокама қилинади. Уларга халқаро экспертлар, юртимиздаги малакали мутахассислар жалб этилади. Танловда эса оила масалаларини ёритиб беролган ва оила мустаҳкамлигига хизмат қиладиган энг яхши мақола, энг яхши ижтимоий ролик, энг яхши ҳужжатли ҳамда бадиий фильмлар саралаб олинади. Уларнинг муаллифлари эса белгиланган тартибда тақдирланади.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Хосият Рустамова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи Қўчқор Норқобил мустаҳкам оила қуриш, оилада узоқ йиллик фаровонликни қарор топтиришда инсон қандай яшамоғи кераклиги ҳақида гапириб ўтишди. Сессия давомида халқимиз ардоқлаган, ибратли оиласи билан эл орасида ҳурмат қозонган санъаткорлар Лутфулла ва Гулчеҳра Саъдуллаева, Александр ва Меҳри Бекжонова, Гавҳар Зокирова бахтли оила қуриш сирларини ёшлар билан ўртоқлашди.

«Оила» маркази ва Ёшлар Иттифоқи томонидан суратга олинган оила ва фарзанд тарбияси мавзусида намойиш этилган ижтимоий роликлар ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

— Бу йил турмуш қурганимизга 51 йил бўлди, — дейди **актриса Гулчеҳра Саъдуллаева.** — Бу йиллар ичида бахтли кунлар ҳам, ноҳуш хотиралар ҳам бўлган. Яшаш, ҳаёт кечириш турли кечмишлар, дегани. Энг муҳими, оиланинг асосий таянчи бўлган туйғуларга путур етказмасликдир. Оиланинг мустаҳкамлиги кўпроқ аёл кишининг сабру қаноати, тадбиркорлигига боғлиқ. Оиланинг ички гап-сўзларини ташқарига чиқармасдан, фақат чиройли мақсад ва орзуларга интилиб яшаган инсонларнинг турмуши тотли бўлади. Бувимнинг «Бахтнинг ўнг қаноти — сабр, сўл қаноти — шукр», деб доимо бизга уқтириб келган сўзлари бутун ҳаётим давомида менга йўлдош бўлди.

— Негадир кўпчилик оилалар бузилишида қизлар тарбиясини сабаб қилиб кўрсатади, — дейди **Александр Бекжонов.** — Аслида эса оиланинг мустаҳкамлиги эркак кишининг ҳам масъулияти, оилада тутган ўрнига боғлиқ. Эркак ўз оиласида тартиб-интизом, аҳлоқ, ўзаро илиқ муносабатнинг шакланишида масъул бўлиши керак. Бугунги оилаларимизда ота фақат иқтисодий таъминотчи бўлиб қолмасдан, хонадондаги маънавий муҳитни яхшилашга ҳам муносиб ҳиссасини қўшиши зарур.

— Оиланинг тинчлиги, аҳиллиги, бахти албатта биринчи галда ота ва онага боғлиқдир, — дейди **Шайхонтоҳур туманидаги 34-мактабнинг физика фани ўқитувчиси Матлуба Ражабова.** — Мана 37 йилдирки, турмуш ўртоғим билан бирга яшаб келамиз. Уч қиз, бир ўғилни вояга етказдик, олий маълумотли, уйли-жойли қилдик. Ҳаётда яхши ва ёмон кунлар, ҳаётнинг ширин лаҳзаларию машаққатлари ёнма-ён юради. Қийинчиликларсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Ана шундай синовлардан биргаликда ўтган, ҳар қандай вазиятда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаган, тушунган инсонлар чинакам бахтли, деб биламан. Бизнинг турмушимизда ҳам ўз муштлари бўлган. Сабр-қаноат, ўзаро ҳурмат билан барчасини енгиб ўтдик. Бугунги кун ёшларида ана шу сабр тушунчаси камайиб кетгандек гўё. Бу ҳам майли, айрим катталар ҳам қаноат қилиш, шукр қилишни унутиб қўймоқда. Ахир бола ота-онасидан ўрнак олади, ўрганади. Ёш оилаларнинг тиниб-тинчиб кетишида асосан катталар ўрни беқиёс эканини унутмаслик керак.

> **Яшаш, ҳаёт кечириш турли кечмишлар, дегани. Энг муҳими, оиланинг асосий таянчи бўлган туйғуларга путур етказмасликдир.**

Тадбирда бир қанча намунали оилалар ташкилотчилар томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Пресс-клуб якунида меҳмонларга «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан нашрдан чиқарилган Оила энциклопедияси тарқатилди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Бухорога хизмат сафаримиз чоғида биринчи борган манзилимиз Бухоро шаҳридаги 19-сон давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби бўлди. У ерда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ўғил-қизларни тўгаракларга жалб қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан танишдик. Спорт залига кирганимизда бир гуруҳ ўғил болаларга улардан ёши каттароқ қиз машғулот ўтказаётганини кўрдик.

Ҳамкорлик ва ташаббус

ўз самарасини бермоқда

— Мен 8-синфда ўқийман, — дейди Шакира Муродова. — Енгил атлетика ва қўл жанги билан шуғулланаман. Бу спорт турлари менга жуда ҳам ёқади. Ҳозир эса устозларимга 6-синф ўқувчиларига машқ ўтишда ёрдамлашяпман. Бошқа тенгдошларим вилоятимиз марказида ўтказилаётган мусобақада қатнашиш учун кетишди. Спорт билан шуғулланганимда хаёлим фақат шу машғулотлар билан банд бўлади. Муҳими, синфдошларим орасида тортишувлар, келишмовчиликлар ҳақида ўйламайман. Аслида унчалик ёмон қизмасман. Фақат синфдош қизлар билан келиша олмайман. Ўғил болалардан эса узоқроқ юришга ҳаракат қиламан. Масалан, доскани артмоқчи бўлсам, кеч қолдинг, биз артиб қўйдик, дейишади ёки яна бошқа майда-чуйдалар сабаб тортишиб қоламиз. Шунинг учун улар орасида яқин дугоналарим йўқ. Сирдош дўстларим бошқа мактабда ўқишади. Оддий нарсаларга ҳам тез таъсирланиб кетаман.

Айни пайтда холамлар билан бирга яшаяпман. Онам мени ёлғиз ўзи тарбияларди. Унинг вафотидан кейин тушкунликка тушиб қолдим. Холамга раҳмат, ўз бағрига олди. Фарзандларидан кам қилмай тарбиялайди, мазали овқатлар, озода кийимлар билан таъминлайди. Аслида уларнинг меҳри туфайли ҳаётимда янги мазмун пайдо бўлди. Спортдаги ютуқларим билан янги оиламни, устозларимни хурсанд қилишни истайман. Орзуим келажакда Миллий гвардия сафида хизмат қилиш.

Маълум бўлишича, Шакира тарбияси оғир болалардан бўлиб, унинг шўхликлари чегара билмасди. Мактаб психологи ҳамда педагоглар маслаҳатлашган ҳолда уни махсус синфга ўтказишган. Эрталаб соат 8 дан 17 га қадар у мактабда бўлади. Чуқурлаштирилган дарслар, тушдан кейинги спорт машғулотлари уни бўш қолишига имкон бермайди. Доимий кузатув ва тўғри ёндашув асосида қизнинг нотўғри йўлга кириб қолишининг олди олинди. Ҳозирда Шакиранинг ўй-хаёли кўпроқ ғалабага эришиш, ўзини яхши томондан атрофдагиларга намоён қилиш билан банд экан.

У ердан чиқиб, иккинчи қаватда жойлашган фаоллар залига кирдик. Биринчи ва иккинчи қаватда ўқувчиларнинг меҳнат ва расм дарслари ҳамда тўгаракларда ўз қўллари билан яратган санъат асари намуналардан иборат кўргазманинг гувоҳи бўлдик. Фаоллар залида эса Ўзбекистон халқ шоири, эл ардоғидаги марҳум ижодкор Муҳаммад Юсуф таваллуд куни муносабати билан ташкил этилган маданий-маърифий тадбир бўлаётган экан. Вилоятнинг нуфузли ташкилотлари вакиллари, шоир-ёзувчилари ўқувчиларга бу дунёда яхши ном қолдириш, ватанпарварлик, халқпарварлик нақадар муҳим фазилатлар эканини тушунтираётган экан. Болалар эса шоир ижодидан намуналар ўқиб, саҳна кўринишлари билан йиғилганлар олқишига сазовор бўлди.

Шу куни Ўзбекистон ХДП Бухоро шаҳар кенгаши ва мактаб маъмуларияти ҳамкорлигида Президентимизнинг 5 ташаббуси ғоялари асосида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда бандликка кўмаклашиш маркази, турли ташкилотлар ҳамда партиянинг ўзи ҳам бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ҳудуддаги ишсиз хотин-қизлар, жазони ўташ муассасаларидан қайтганлар, битирувчилар таклиф этиладиган меҳнат турлари, ойлик маоши ва яна бошқа турли масалаларда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Банкдан кредит олиш ва бизнесини бошлаш мақсадидаги опасингилларимизга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Бир гуруҳ аёллар ўзларига мос бўлган ишларни танлаб, керакли ҳужжатларни тақдим этиш ва бафуржа суҳбатлашиш вақтларини келишиб олди.

Сафаримизнинг биринчи куни воқеаларга бой тарзда бошланди. Ўзбекистон ХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси Шоиста Набиева билан куннинг иккинчи ярмида навбатдаги манзил — «Меҳрибонлик» уйи томон йўл олдик. Бу ҳақда навбатдаги сонларимизда батафсил ҳикоя қилиш ниятидамиз.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўшанда айрим давлатларнинг махсус хизматларидан бизга кетма—кет хабарлар келиб тушди. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфга суиқасд уюштирилиши режалаштирилаётган экан...

Тарих ва тақдирлар

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

Тарих сабоқларидан маълумки, қарамликдан қутулиб, мустақилликка эришган ҳар бир халқ кутилган ва кутилмаган синовларга дуч келади. Эскилик билан янгилик ўртасида кураш кетади, зиддиятли ҳолатлар юзага келади. Турли ўйинлар, миш-мишлар кўпаяди, оқ билан қорани ажратиш қийин бўлади. Одамлар кимга ишонишни билмай қолади. Асл қаҳрамонлар бир четда қолиб, қўрқоқ ва сотқинлар қаҳрамонга айланади. Адолатсизликка йўл қўйилади. Асоссиз гаплар, ёлғонлар ўз вақтида фош этилмаса, тарих сохталаштирилади.

Яқин ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар гувоҳлари, иштирокчилари бугун орамизда экан, ҳақиқатни жойига қўйиш имкони бор. Акс ҳолда, тарих тахминлар, башоратлар ҳукмида қолади.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг дастлабки йилларидаги мураккаб воқеалар, зиддиятли ҳолатларнинг бевосита гувоҳи бўлган, ичида юрган инсон, собиқ Ички ишлар вазири, генерал-полковник Зокиржон АЛМАТОВ билан синовли йилларнинг айрим воқеалари ҳақида суҳбатлашдик.

— Зокиржон ака, бу йил мамлакатимиз Мустақиллигининг 28 йиллигини нишонлаймиз. Орадан шунча йил ўтиб, ортга назар ташласангиз, аввало, қандай воқеа-ҳодисалар ёдингизга тушади?

— Аввало, Мустақиллигимиз эълон қилинган 1991 йил, 31 август ёдимга тушади. Бу тарихий кун халқимиз тақдирида туб бурилиш ясади. Биламиз, Мустақиллик нене аждодларимиз учун армон бўлиб қолган эди. Тоғнинг улуғворлиги ундан узоқлашганинг сари кўпроқ намоён бўлади деганларидек, йиллар ўтиши билан Мустақиллигимиз эълон қилинган куннинг аҳамияти ва қадрини чуқурроқ англаймиз. Бу кун биздан кейинги авлодлар учун ҳам азиз ва муборак кун бўлиб қолиши керак. Шу ҳақда ўйлаганда, хаёлимга бир фикр келаверади: Ушбу улуғ санага қайкал ўрнатишимиз керак эмасмикин? Масалан, пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони дарвозаси олдидами ёки майдоннинг бошқа бир маъқул жойида **«1991 ЙИЛ, 31 АВГУСТ»** деган ёзув мармар тошданми, бошқа материалданми, катта қилиб ўрнатилса, кечаси ёниб турадиган бўлса...

Бу ёзув ҳар бир юртдошимиз юрагига кўчади, кишида ғурур уйғотади. Айниқса, ёшлар тарбияси учун муҳим, деб ўйлайман. Чет элдан келган меҳмонлар «Бу ёзув нимани англатади?», деб сўраганда, Мустақиллигимиз эълон қилинган кун эканини фахр билан тушунтирамиз...

— Таклифингиз, фикримча, кўпчиликка маъқул бўлади. Бу иш амалга ошса, Мустақиллик эълон қилинган кунга халқимизнинг яна бир ҳурмати, эътиқоди, миннатдорлиги тимсоли бўлади, деб ўйлайман.

Энди Мустақиллик эълон қилинган дастлабки кунлардаги воқеаларга қайтсак.

— Ҳозирги ёшлар у кунларни тасаввур қилиши ҳам қийин. Вазият жуда оғир ва мураккаб эди. Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳвол тобора таранглашиб бораётганди. Ёши улуғларнинг хабари бор, ўшанда бир-икки ҳафтага етадиган ун захираси қолган эди. Собиқ иттифоқ ҳудудидаги республикалар ўртасидаги алоқалар узилиб, саноат корхоналари бирин-кетин фаолиятини тўхтатиши оқибатида ишсизлар сони кун сайин ошиб борарди. Турли миш-мишлар одамларни саросимага сола бошлаганди. Мустақиллигимизни тан олишни истамаган кучлар жамоатчиликни чалғитишга уринарди. Тўғриси, Ўзбекистонда халқ норозилиги кучайиб, тўс-тўполон юзага келишини, фуқаролик уруши бошланиб, Мустақиллик барбод бўлишини хоҳловчилар бор эди. Энг алам қиладигани, ўзимиздан чиққан айрим кимсалар мустақил давлатимизни қўллаб-қувватлаш ўрнига, душманлар қўлида қўғирчоқ бўлиб, бузғунчилик билан шуғулланишди. Ўша пайтда юртимизда тинчликни сақлаш бош вазифа эди. Чунки тинчлик бўлмаса, ҳамма нарса барбод бўларди.

Ватан тинчлиги, осойишталиги ҳамма замонларда ҳам энг муҳим, энг жиддий масала ҳисобланган. Юрт тинчлигига рахна солишга уринишлар, таҳдидлар ҳар доим бўлган. Бу бало-қазолар фақат ҳамжиҳатлик, аҳиллик билан енгиб ўтилган.

Мен ҳаёт тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, ўтмишга бугунги кун нуқтаи назаридан қараб баҳо бериб бўлмайди. Ўша оғир вазиятларда баъзан тўғри, баъзида мураккаб қарорлар ҳам қабул қилинган. Лекин мақсад битта бўлган — Ўзбекистон мустақиллиги ва тинчлигини сақлаб қолиш. Мана шу муқаддас мақсад йўлида керак бўлса қон тўкилган, жон берилган.

Эътибор қаратайлик, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам ўз фаолиятини бошлаган дастлабки кунлардан тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга биринчи вазифа сифатида қараб келмоқда. Аслида мамлакат тараққиёти мана шу омилларга боғлиқ. Тинч юртда юксалиш бўлади. Тинч юртга инвестор келади. Мен мутахассис сифатида шуни алоҳида таъкидламоқчиман, давлатимиз раҳбари томонидан бугун жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини кескин ислоҳ қилиш, мазкур тизимларда тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ҳар бир жиноятнинг туб илдизига етиб бориш масалаларига жиддий аҳамият берилмоқда. Бу кенг миқёсдаги ишлар натижасида жиноятчилик камайиб бормоқда.

— Бир пайтлар сохта шуҳрат кетидан от қўйганлар, шовқин-сурон билан нимагадир эришишни ўйлаганларнинг иши юришмади, бузғунчилик билан шуғулланганлар узоққа бормади. Халқимиз оқ билан қорани вақтида ажратиб олди. Лекин барибир бир савол кишини ўйлантиради. Мустақилликдек буюк неъмат қўлга киритилган бир пайтда одамлар митингларга чиқишига нима сабаб бўлганди?

— Шу ўринда бир масалага эътибор қаратиш керак. Бировга қарамлик пайтларимизда одамлар дардини ичига ютиб юрган эди. Бир оғиз норози гап айтса, бошига нима тушишини билган. Ўша замон сиёсати ҳеч кимни аяб ўтирмасди. Мустақиллик арафасида, Мустақилликнинг дастлабки кунларида одамлар митингларга чиқишининг сабабларидан бири йиллар давомида тўпланиб қолган ўткир муаммолар билан боғлиқ эди.

Бу вазиятдан бузғунчи кучлар, жиноятчи тўдалар фойдаланиб қолишга ҳаракат қилди. Уюшган жиноятчилик, оғир турдаги жиноятлар ошди, фитна кўпайди. Масалан, диний эркинликни суиистемол қилиб, ёшларни экстремистик оқимларга тортиш ҳоллари кучайиб борди. Чет элларидан диндор ниқобида юртимизга террорчи ташкилотлар вакиллари кириб кела бошлади. Фарғона, Бўка, Паркент, кейинчалик Наманган, Андижон воқеалари айнан ташқаридаги ёвуз кучлар томонидан уюштирилди. Улар ўзларининг қора ниятларига етиш учун аламзада бўлиб юрганлар, иродаси мўрт кишилар, мустақил фикри шакилланмаган ёшлардан фойдаланишди. Биринчи Президентимиз ҳушёрлиги, оқилона сиёсати билан кўплаб хавф-хатарлар бартараф этилди. Халқимиз бало-қазолардан асраб қолинди.

Ўтган кунларни эслаганда, аввало, ана шу воқеалар, фожиалар ёдимга тушади. Бугунги ёшларимизга Мустақилликка осонликча эришилмагани, қаттиқ курашлар бўлгани, кўп синовлардан ўтилганини тушунтириб беришимиз керак, деб ўйлайман. Бугун Президентимиз ҳам шуни талаб қилаяпти. Ёшларимиз тарихимизни чуқурроқ билиши кераклигини таъкидлаяпти. Кечаги кунни, ўтмишни ёшларимиз қанча яхши билса, Мустақиллик, умуман, ҳаётнинг қадрига шунча кўпроқ етади.

— Сиз ўша оғир даврдаги воқеалар ичида юрган инсонсиз. Шуни ҳисобга олиб, яна бир масалада фикрингизни билмоқчимиз. Мустақилликкача экстремизм деган гап бизда йўқ эди. Бу бало-қазо қаердан пайдо бўлди?

— Мустақилликка эришилгандан кейин юртимизда динга эркинлик берилди. Исломнинг барча амалларини бекаму кўст адо этиш имкони яратилди. Масжидлар сони ошди, ҳаж амалларини бажарувчиларга қўшимча ўринлар берилди.

Афсуски, бу жараёнлардан ғаразли кучлар ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, ҳали оқу қорани билмаган ёшларимизга исломдан «сабоқ» бериш баҳонасида ўзларининг ёвуз ғояларини улар онгига сингдиришга уринишди. Диний экстремистлар алдовига учиб, қанчалаб ёшларимиз йўлдан адашди, жувонмарг бўлиб кетди. Кейинчлик давлатимиз қўли қон бўлмаган, чин юракдан тавба қилиб, халқдан кечирим сўраганларнинг гуноҳидан ўтди, билиб-билмай йўлдан адашганлар оиласи бағрига қайтди.

— Бироқ ўша пайтларда ғарбнинг кўпгина оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда диндорларга тазйиқ ўтказилмоқда, номоз ўқиганлар қамоққа олинмоқда, деган шов-шувлар кўтарганди...

— Бу туҳматлар душманларнинг иши эди. Ўзимиздан чиққан сотқинлар уларга малайлик қилишганди. Қолаверса, экстремизм билан ислом динининг, экстремистлар билан диндорларнинг фарқига бормасдан жаҳонга жар солганлар ҳам бўлди. Бир ўйлаб кўрайлик, азизларим, хотирасига ҳурмат кўрсатиб, мақбаралари обод қилинаётган, янги масжидлар қурилаётган, ҳаж зиёратига бораётганлар қўллаб-қувватланаётган Ўзбекистонда, Имом Бухорий юртида тинч намоз ўқиб, ибодат қилаётган одамни ким жиноятчига чиқаради. Ҳукумат қарори билан Ҳайит байрамлари эркин нишонланаётган юртда диндорларга тазйиқ кўрсатиляпти, дейиш мантиққа тўғри келадими?

Бу фитналар ғоясининг эгалари, уни амалга оширувчи ижрочилари бўлган. 1999 йил февраль воқеалари, 2004 йилда юз берган террорчилик ҳаракатларини эсга олайлик. Бу юртимиздаги тинчликка, мустақилликка қаратилган ҳужумлар эди. Оқибатда қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилди...

— Яна бир масалага аниқлик киритсак, ўша пайтларда қатор хорижий давлатлар оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда таниқли уламоларга нисбатан ҳам тазйиқлар ўтказилмоқда, масалан, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф хорижга чиқиб кетишига раҳбарият билан келишмовчиликлар сабаб бўлди, деган миш-мишлар тарқалганди.

Ўша даврда Ички ишлар вазири сифатида, табиийки, кўп воқеалардан хабардор бўлгансиз. Шу сабабли ҳам Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф билан давлат олий раҳбарияти, аниқроғи, биринчи раҳбар ўртасида зиддият бўлган эди, деган гап қай даражада ҳақиқатга яқинлиги тўғрисида фикрингизни билмоқчи эдик.

— Юртдошларимизга маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Чилонзор туманида барпо этилган масжидга Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номи бериладиган бўлди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, у киши нафақат юртимизда, балки бутун ислом оламида тан олинган олим эди.

Бир мисолни айтай, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳам муфтий, ҳам собиқ Иттифоқ Олий кенгаши депутати сифатида совет ҳукумати раҳбариятига мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, улар учун зарур шароитлар яратиш масалалари кўтарилган махсус баённома тақдим этган. Айнан шу мисолнинг ўзи ҳам у кишининг ватанпарварлиги, жасоратини кўрсатиб турибди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф бир умр Ислом дини ҳақиқатларини фидойи бўлиб тарғиб этиб келган, бу мавзуда кўплаб китоблар ёзган, юксак маънавиятли инсон эдилар. Бундай маърифатпарвар, дили пок зот хотираси олдида фақат ҳақиқатни айтиш лозим, албатта. Асоссиз, айниқса, ёлғон аралашган гап-сўзлар у кишининг руҳини безовта қилади, деб ўйлайман.

Яна такрор айтаман: бу улуғ зот нафақат ғоят маърифатли, айни чоғда журъатли инсон бўлган. 1990-йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний идораси муфтийси сифатида минтақада мусулмонларнинг бирдамлигини сақлаш, турли фитна ва гуруҳбозликлар келиб чиқишининг олдини олишда ўткир зеҳн, жасорат билан хизмат қилганлар.

1991-1993 йилларда мамлакатда оғир вазият юзага келган эди. Тошкент шаҳрида, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида муқаддас динимизни ниқоб қилиб олган ғаламислар халқимизни, айниқса, ёшларимизни ҳукуматга қарши қўйишга интилиб, турли тартибсизликларни ташкил қилишга уриндилар. «Адолатчилар», «Ислом лашкарлари» деган тўдаларни тузишга ҳаракатлар бўлди. Чаласавод, жоҳил кимсалар тўпланиб олиб, жиноятчиликка қарши курашяпмиз, деган ниқоб билан одамларни ўзлари «суд» қилиб, жисмоний жазо қўллаш ҳолатларини содир этишди. Ана шу қийин вазиятларда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ҳудудларга шахсан ўзлари бориб, аҳоли билан гаплашиб, вазиятни ўнглаш, мамлакатда тинчлик-осойишталикни ўрнатиш масаласида жуда катта ишларни амалга оширганлар. Шу инсоннинг бевосита ҳаракатлари билан кўп ғалаёнларнинг олди олинди. У кишининг Ислом оламидаги катта обрўси, мамлакатда тинчлик осойишталик ўрнатишдаги беқиёс хизматлари юксак эътирофга лойиқдир.

Ўша даврда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари билан Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўртасида зиддиятлар бор, шайхга нисбатан тазйиқ ўтказилаяпти, деган иғво ва бўҳтонлар тарқалган эди. Шу йилларда Ички ишлар вазири лавозимида ишлаган инсон сифатида бир нарсани айтмоқчиман. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмаган.

Кўпчиликка номаълум бир воқеани айтай, 1992 йилнинг охирларида айрим давлатларнинг махсус хизматларидан бизга кетма-кет тезкор хабарлар келиб тушди. Маълум қилинишича, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари Фарғона водийсининг қайсидир туман ёки шаҳрига борган вақтларида, у кишига нисбатан террорчи гуруҳлар томонидан суиқасд уюштирилиши режалаштирилаётган экан.

Ўша пайтда Биринчи Президентимиз топшириғига биноан ана шу террористик ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида тезкор қидирув ишлари амалга оширилди ва табиийки, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари давлат ҳимоясига олинди. Аммо ғаламислар ўз ўйинларини давом эттирди. Уларнинг нияти Шайхга суиқасд уюштириб, бу жиноятни Республика раҳбариятига тўнкаш эди. Шу тариқа жамоатчиликни амалдаги раҳбариятга қарши қўйиш, ғавғо чиқариш, уруш оловини ёқиш эди.

Террорчиларнинг айёрлигини, пасткашлигини қаранг, улар Шайхга суиқасд уюштиришдан олдин мамлакат раҳбари билан шайх ўртасида низо чиққан, деган гап тарқатишди. Шундан сўнг шайхни ўлдирмоқчи бўлишди. Агар уларнинг қора нияти амалга ошса, «ана, биз огоҳлантиргандик, бу жиноятни ҳукумат қилди», деб дунёга жар солмоқчи бўлишган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари «Мен туфайли мамлакатда нотинчлик бўлмасин», деган ниятда мусулмон мамлакатларидан бирида вақтинча яшаб туришга қарор қилдилар, ўзларининг бу фикрларини шахсан менга бир неча маротаба айтганлар...

Шайх ҳазратларининг суюкли укалари Муҳаммадамин ака 1999 йилда менга акалари Ватанга қайтмоқчи эканликларини айтдилар. Мен Шайх ҳазратларининг ниятларини Ислом Абдуғаниевичга етказдим. У киши бу хабарни мамнуният билан қабул қилдилар. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари тез орада Ўзбекистонга қайтдилар ва умрларининг охригача илм-маърифат билан шуғулландилар.

Халқимиз, барча мўмин-мусулмонлар учун у кишининг вафотлари улкан йўқотиш бўлди. Минглаб юртдошларимиз Шайх билан видолашувга келди, ўзининг чексиз меҳр-муҳаббатини, ҳурматини билдирди. Ҳозирги кунда ҳам Шайхнинг китоблари қўлма-қўл бўлиб ўқилмоқда, инсонларни тўғри йўлдан бошлашга хизмат қилмоқда. Халқимиз Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари билан то абад фахрланади ва у кишини ҳеч қачон ёддан чиқармайди, бунга ишончимиз комил.

— Маълумки, тарих энг одил ва холис тарбиячи. Ўз тарихини яхши билган халқ адашмайди, йўл қўйилган хатолардан хулоса чиқариб яшайди. Яқинда давлатимиз раҳбари тарихни ўргатишнинг аҳамияти ҳақида тўхталар экан, тарихий шахслар, воқеалар ҳақида ёшларга кўпроқ маълумот бериш зарурлигини таъкидлади. Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошида Тарих каналини ташкил этишга қарор қилинди. Шулардан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, нима деб ўйлайсиз, мустақилликнинг дастлабки йилларида бўлган воқеа-ҳодисалардан ёшларимизни кўпроқ хабардор қилиш учун қандай йўл тутмоқ керак?

— Албатта, тарихни ўқиб-ўрганиб, ундан сабоқ чиқариб яшаш, инсонни бугунги кунни қадрлашга, шукроналикка ўргатади. Суҳбатимиз давомида Мустақиллик арафасида ва Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги айрим воқеаларни ёдга олдик, холос. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчликни асраш йўлида жонини фидо қилган, ўзини аямай меҳнат қилган инсонларни халқимиз, айниқса, ёшларимиз билиши керак. Тарихий шахслар ҳаёти ва жасоратини ибрат қилиб кўрсатишдан чарчамаслик керак.

Бугун Президентимиз томонидан мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсадига диққат билан эътибор қаратсак, кўп нарсани англаймиз.

Биринчидан, очиқ жамият учун кураш бораяпти. Очиқ жамият дегани аввало халқдан ҳеч нарсани яширмаслик, одамларни алдамаслик, ширинми, аччиқми, ҳақиқатни гапириш, дегани. Иккинчидан, инсон ҳуқуқи, қадри ҳамма нарсадан устун қўйилмоқда. Инсонни улуғлаш барча соҳа раҳбарлари учун бош вазифа қилиб қўйилмоқда. Бу жараёнда адолатли бўлиш, тарихга тўғри кўз билан қараш керак. Зеро бугунги ёшларимиз асл ҳақиқатни билсин, ўзимизнинг тарихимизга тегишли ниманидир четдан, бошқалардан ўрганишга эҳтиёжи қолмасин.

Бугун орамизда яқин ўтмишдаги воқеалар иштирокчиси, гувоҳи бўлган кишилар оз эмас. Улардан фойдаланиш керак, деб ўйлайман. Юртга хизмати синган қанчалаб фахрийларимиз уйида зерикиб ўтиришибди. Улар билан учрашувлар изчил йўлга қўйилса, хотиралари ёзиб олинса, улуғ иш бўларди, деб ўйлайман. Халқимиз, ёшларимиз асл ҳақиқатни ўзимиздан эшитсин, билсин, хулоса қилсин.

— Суҳбат учун, қимматли фикрлар, маълумотлар учун миннатдорлик билдирамиз.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Сафар ОСТОНОВ суҳбатлашди.

ТАДБИРЛАР

Бугун аҳолининг ҳуқуқий билими, маданиятини юксалтирмай, жамиятда қонун устуворлигини таъминламай туриб, ҳуқуқий-демократик жамият қуриб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Олий суд раиси ва Бош муҳаррирлар учрашуви

Бу талаблар ижроси суд тизими ошкоралиги, жамоатчилик назорати, хусусан, матбуот ҳамда оммавий ахборот воситалари билан судлар ҳамкорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ, албатта.

Мазкур учрашув самимий ва ошкора ўтгани, саволлар ва таклифларга бой бўлгани билан иштирокчиларни мамнун этди. Олий суд раиси Козимжон Комилов суд тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар, суд қарорлари адолатли бўлиши учун кўрилаётган чора-тадбирлар, судлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, судлар учун қурилаётган янги бинолар ҳақида батафсил ҳикоя қилди. Айниқса, суд мажлисларининг онлайн трансляцияси йўлга қўйилишининг аҳамияти тўғрисида алоҳида тўхталди. Бугун мамлакатимизда инсон ҳуқуқи, шаъни, қадрига муносабат мутлақо ўзгаргани, ўтган 2018 йилда 867 нафар фуқаро оқлангани бунинг бир мисоли экани таъкидланди.

Дарҳақиқат, сўнгги икки йилда судлар мустақиллиги таъминланмоқда. Илгаригидек қайсидир органларнинг суд ишига аралашуви, босим ўтказилишига чек қўйилди. Энди ҳамма гап судьянинг билими, малакаси, виждонига боғлиқ. Шуни ҳам айтиш керакки, оқловлардан ташқари, Ўзбекистон Олий суди ва Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида тузилган меморандумга асосан судларда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича янги амалиёт қўлланила бошланди.

2018 йилда жиноят содир этган 893 нафар хотин-қиз Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳимояга олиниб, жазодан озод этилди. Хусусан, Хотин-қизлар қўмиталари кафиллиги асосида 113 нафар судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди. Муқаддам судланиб, жазо муддатини ўтаётган 597 нафар аёл жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган, 100 нафар аёлнинг жазоси енгилроғи билан алмаштирилган.

19 апрель куни Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган 5 нафар аёл аризаси кўриб чиқилиб, улар содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, ахлоқан тузалиш йўлига ўтгани ҳамда жазонинг асосий қисмини ўтаганлиги ҳисобга олиниб, жазодан озод қилиниб, оиласи бағрига қайтарилди. Учрашувда бу каби мисоллар кўплаб келтирилди.

Шунингдек, суднинг маданияти, қарорлари, матбуот билан ҳамкорлик масалаларида камчилик ва муаммолар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, суд жараёнида журналистлар овоз ёзиш ёки видеотасвирга олишига тўсиқлар бўлаётгани ҳақида фикрлар билдирилди. Олий суд раиси очиқ ва ёпиқ судлар тартиби, талаблари, қоидалари, қандай ҳолатларда судларда овоз ёзиб олиш, тасвирга олиш мумкин эмаслиги тўғрисида тушунча берди. Судларнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги ҳаёт зарурати экани, бундан жамият манфаат кўришини таъкидлади.

Олий суд раҳбариятининг ҳудудларда, айниқса, узоқ туманларда ўтказаётган қабуллари, сайёр судлар аҳамиятини кенгроқ ёритиш, суд-ҳуқуқ мавзусидаги танқидий мақолаларда масалани чуқур ўрганиш, юзакиликка йўл қўймаслик зарурлиги тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Матбуотда чоп этилган танқидий мақолаларга Олий суд эътиборини кучайтириш бўйича таклифлар айтилди. Ҳамкорликни изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз.

«Жонга пайванд дўстларингдан кечмагил»

Ўтган ҳафтада мамлакатимизда Тожикистон халқ шоири Мирзо Турсунзода таваллудининг 108-йиллигига бағишланган қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги «Мусиқа саройи»да «Жонга пайванд дўстларингдан кечмагил» номли тадбирда шоирнинг ҳаёти ва ижоди ёдга олинди.

Тадбирда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Р.Қурбонов, Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулотда ва мухтор элчиси Содиқ Имомий ҳамда Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Тожикистон халқ шоири Низом Қосим улуғ шоир Мирзо Турсунзоданинг ижоди, ўзбек ва тожик адибларининг қадим дўстлиги, ҳамкорлиги ҳақида тўхталишди.

«Овози Тожик» газетаси бош муҳаррири Шерпўлат Вакилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, адиба Олмос Ахмедова, Тожикистон маданият вазирлиги ташқи алоқалар бошқармаси бошлиғи Абдуғаффор Абдужабборов ва бошқалар Мирзо Турсунзода ижодий меросига ҳурмат эҳтиром билдирдилар, шоирнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилишди. Тожикистон халқ шоири, Меҳнат қаҳрамони, Тожикистон фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, қатор халқаро мукофотларга сазовор бўлган шоирнинг «Мамлакат офтоби», «Хазон ва баҳор» достонлари, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзилган «Хайр, азиз онажон», «Ҳеч қачон» шеърлари ҳамда «Ватан фарзанди» достонида инсон қадри, тинчлик, халқлар дўстлиги юксак маҳорат билан куйланди.

Сўзга чиққанлар Мирзо Турсунзода ижодида нафақат ўз халқи, балки бутун инсоният муаммолари акс эттирилганини алоҳида таъкидлашди. Буни «Тоҳир ва Зуҳра» мусиқали драмаси, «Ҳиндистон балладаси», «Мен озод Шарқданман» сингари шеърий тўпламлари, «Ҳасан Аравакаш», «Осиё овози» каби достонлари ҳам яққол исботлаши айтилди. Адабиёт тил, миллат танламайди, балки инсониятни бирлаштиради деган ҳақиқатни Мирзо Турсунзода ижоди ва ҳаёти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. У даврида Ойбек, Ғофур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Миртемир каби адибларимиз билан дўстона алоқада бўлган ва кўпгина ўзбек шоирлари шеърларини тожик тилига таржима қилган.

Ўзбек-тожик ҳалқлари, адиблари ўртасидаги бундай самимий дўстлик, ҳамкорликни машҳур шоир Низом Қосим ҳам эътироф этди:

Бу дўстлик асрлараро тарихга эга. Дўстлик ҳамда миннатдорлик жо бўлган бу ҳис-туйғу бизларда абадий сақланади.

Мана бугун биз буюк аждодларимизни ва уларнинг давомчиларидан бири Мирзо Турсунзода ижодини эсладик. Бир стол атрофида ўтириб, бугунги кун адабиётидаги муаммоларни муҳокама қилдик. Ўзбек ва тожик санъаткорлари биргаликда қўшиқлар куйлашди. Бу байрам бизга кўтаринки руҳ бағишлади. Ишончим комил, дўстлигимиз, ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бораверади. 2019 йил охирида Тожикистонда Эркин Вохидов юбилейига таёргарлик кетмоқда. Худо хоҳласа, биз бу йил яна учрашамиз.

Албатта, сизларни кутамиз.

Ойсанам ҒУЛОМЖОНОВА
ЎзЖОКУ талабаси.

Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган аждодлар олдида барчамиз қарздормиз.

«Урушдан кейин ҳам осон бўлмаган»

ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маданий-маърифий ҳамда йўқлов тадбирлари ўтказмоқда.

4 май куни эрта тонгдан партия Марказий Кенгаши аъзолари билан Қибрай туманидаги Дўмбиробод дам олиш маскани томон йўл олдик. Манзилга етиб борганимизда, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари «Шараф лентаси» акциясини бошлаб юборган экан. Тасма тақиш маросими ёшлар оркестрининг куй-қўшиқлари жўрлигида олиб борилгани атрофдагиларни хушнуд этди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон Кетмонов йиғилганларни байрам билан табриклаб, Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган аждодлар олдида барчамиз қарздор эканлигимизни, уларнинг яшаб ўтган йўли бизга ибрат бўлиши кераклигини таъкидлади. Ўзбекистон ХДП ташкилотларида кўп йиллар меҳнат қилган фидойи, фахрий ходимлар аъзозланиб, эсдалик совғалар топширилди. Шундан сўнг тадбирнинг иккинчи қисми бошланди. Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари оркестри жамоаси, эл ардоғидаги эстрада хонандалари ва раққосаларнинг чиқишлари барчага хушкайфият улашди.

Шу куни Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг хонадонларида ҳам бўлдик. **Қибрай таманидаги «Қумқўрғон» маҳалласида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Қўчқор Насимовнинг ҳолидан хабар олдик.**

— Кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлардан миннатдормиз, — деди у. — Бу фаровон кунлар учун доимо шукрона келтиришдан чарчамаймиз. Урушни биз кўрдик, болаларим, сиз кўрманг. Яхши кунларнинг қадрига етинг.

— Саккиз фарзандим, 26 набирам, 48 чевара ва 4 нафар эварам ардоғида умргузаронлик қиляпман, — дейди **Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Сайфиддин ота Шодмонов.** — Мен баъзан уруш хотираларидан сўзлаганимда, невараларимнинг ишонгиси келмайди. Улар қўлига китоб тутиб, қайси олийгоҳда ўқишни танлашаётган ёшда биз қўлимизда қурол тутиб, жангоҳларда кезганмиз. Кўзимиз гул-чечаклар ўрнига қонли изларни кўрган, китоб тутмай, қурол кўтариб юрганмиз. Севганларимизни бир бора кўриш энг катта орзу бўлган. Оила аъзоларимиздан хат келса, биздан бахтли инсон топилмасди. Аммо баъзи қуролдошларимизга ҳалок бўлганидан кейин оила аъзоларидан мактублар келганда нима қилишни билмай қолардик.

1940 йилда ҳарбий хизматга чақиришди. Кўп ўтмай уруш бошланиб, ҳарбий хизматдан тўғри урушга жўнатишди. Шу кетишда Москвадан Берлингача борганман. Ўқчи дивизияда ўқ ташиганман. Биласиз, душманнинг энг биринчи ғалдаги вазифаси қурол захираларини йўқотиш ҳисобланади. Шунда ғалаба қилишга имкон кўпаяди. Биз ҳам қурол-яроғга жавобгар эдик. Бу катта масъулият эди. Дивизиямиз билан кўп ўқ ёмғирлари остида қолардик. Ҳатто икки марта яраланиб, ҳарбий госпиталда даволаниб ҳам чиқдим. Аммо ортга қайтмадим. Охиригача боришга, ғалаба қилмагунча Ватанга қайтмасликка онт ичгандим. Рейхстагга байроқ тикилган кун ўша ерда эдим. Ўша вақтда жангда қолок бўлган ҳар бир сафдошимни номма-ном ёдга олдим. Урушдан кейин ҳам Берлинда қолиб, хизматни давом эттирдим. 1946 йилда Ўзбекистонга қайтиб, кечки мактабни тамомладим ва ўқишга кирдим. Уйландим. Бирин-кетин фарзандларим дунёга келди.

— Отам уруш ҳақида кўп гапиришни ёқтирмайди, — деди **Сайфиддин отанинг қизи Лобар Алматова.** — Урушдаги дўстларини ёдга олганда узоқ ўйга толади. Чуқур «уҳ» тортиб, невараларининг ўйин-кулгусидан ўзига келади.

Йўқлов тадбирлари Нукус шаҳрида ҳам ўтказилди. «Халқлар дўстлиги» маҳалла фуқаролар ҳудудида яшовчи **Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Нурулла Абдуллаев** билан бир пиёла чой устида суҳбат қурилди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши аъзолари ҳам йўқлов тадбирларини фаол ўтказишмоқда.

Шайхонтоҳур тумани «Тахтапул» маҳалласида истиқомат қилаётган **«Шуҳрат» медали соҳиби, меҳнат фахрийси Шоира Аҳмадалиеванинг** уйида бўлдик. Онахон билан дилдан суҳбатлашдик.

— Уруш бошланганда ўн тўрт ёшда эдим, — дейди у. — Завод, фабрикаларда ишлашга мажбур бўлганман. У вақтда бу йигитларни, бу қизларни иши деб ажратиб ўтиролмасдик. Кимнингдир акаси, кимнингдир отаси урушда эди. Ҳар бир ҳаракатимиз билан уларга кўмаклашаётгандек ҳис этардик ўзимизни. Қўлимиз ишда, хаёлимиз эса жангоҳлардаги яқинларимизда бўларди. Урушдан кейин ҳам ҳеч биримизга осон бўлмади. Очарчилик, мотам кайфияти атрофда ҳукмронлик қиларди. Аммо бу вазиятдан чиқиш керак эди. Барча буни яхши тушинар ва англарди. Урушдан кейин ҳам меҳнатдан қочмадик. Халқимиз, келажак авлод учун хизмат қилдик.

— Бундай учрашувлар доимо мени ҳаяжонга солади, — деди **Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Ирода Абдуллаева.** — Уруш қатнашчилари олдида бурчли эканлигимизни ҳис этиб, улар ҳолидан хабар олишни канда қилмаймиз. Ҳар гал суҳбат аввалида, тинчлик, осойишта ҳаёт учун миннатдорлик билдирамиз. Афсуски, уларнинг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Отахон-онахонларнинг ҳар бир сўзи катта қимматли ўгит. Бундай суҳбатлар ёшларга ҳаётни чуқурроқ тушинишда ёрдам беради.

Йўқлов тадбирлари ҳудудларда давом эт[illegible] моқда.

Ўз мухбиримиз.

АНЖУМАН

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўз РФА Ион-плазма ва лазер технологиялари институти билан ҳамкорликда анжуман бўлиб ўтди. Унда электроника, энергия тежамкор технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбалари, механика, машинасозлик, саноат экологияси, геология-қидирув, кончилик иши ва металлургия каби йўналишлар бўйича ялпи ва шўъба мажлислари ўтказилди.

Ёшларнинг 200 та маърузаси

Иқтидорли ёшлардан 200 нафари илмий изланишлари, техник лойиҳалари ва инновацион ишланмалари бўйича маърузалар қилишди.

Конференцияда Ўзбекистон Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида Тошкент давлат техника университетининг 5 та профилли кафедралари филиаллари очилгани қайд этилди. Келгусида улар фаолияти ривожлантирилиб борилади, ёш тадқиқотчиларнинг рационализаторлик таклифлари таҳлил этилади ҳамда илмий-техник лойиҳалар ва инновацион ишланмалар натижалари ишлаб чиқаришга татбиқ қилинади.

Шунингдек, тадбирда Техника университети ўқитувчилари университетда қилинаётган илмий-тадқиқот ишлари асосан реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналарининг долзарб техник, технологик ҳамда хомашё муаммолари ечимини ҳал этишга қаратилгани ҳақида маълумот берди. Хусусан, саноат корхоналарида сарф-харажатни камайтириб, ишлатиладиган хомашёларни маҳаллий материалларга алмаштиришга, энергия ва ресурс тежамкорлигига эришиш орқали иқтисодий самарадорликни оширишга ҳам [illegible] алоҳида эътибор берилмоқда, [illegible]

Ўз мухбиримиз.

Жавобсиз қолаётган саволлар

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

Газетамизнинг 2019 йил 12 март сонида «Ишламасдан ҳам маош олса бўлади» сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг қароридан «129-автокорхона» МЧЖ таъсисчиси норозилиги сабаблари ҳақида фикр юритилганди.

Гап шундаки, Самарқанд шаҳридаги «129-автокорхона» МЧЖ 2012-2013 йилларда ночор молиявий ҳолатга тушиб қолади. Ҳатто бир қанча ҳайдовчилар ишга ҳам чиқмай қўйишади. Корхона раҳбарияти уларнинг айримларини узлуксиз прогул учун ишдан бўшатади. Шундан кейин собиқ ишчилар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашига, судга бир неча марта мурожаат қилишади. Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида улар иши қайта-қайта кўрилади. Суд даъвогарлар фойдасига ҳал қилув қарорлари чиқаради.

Жумладан, **2013 йилнинг 11 сентябрида Ўткир Асламов, 2015 йилнинг 25 мартида Шарафиддин Болиев, 2016 йилнинг 25 июлида Шерзод Тошпўлатов, 2016 йилнинг 24 октябрида Наврўз Баратов, 2019 йилнинг 29 январида Юлдуз Муҳаммадиева — фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди судьялари ушбу иш бўйича ҳал қилув қарорлари чиқаришган.**

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 29 январдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарлар Даврон Нурилоев, Изатилло Маҳмудов, Содиқ Қобилов, Аслам Солиев, Ғайрат Исоқов, Камол Акбаров, Ортиқ Исмоилов фойдасига 2016 йил август ойидан 2017 йил июль ойигача, Лутфилло Жунайдов фойдасига эса 2014 йилнинг январь ойидан 2018 йилнинг декабрь ойигача бўлган муддат учун иш ҳақи ундирилиши кўрсатилган. Даъвонинг моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги қисми рад этилган.

«Ишламасдан ҳам маош олса бўлади» сарлавҳали мақолада «129-автокорхона» МЧЖ таъсисчиси суднинг бу қароридан норози экани, қўлида унинг ҳақлигини исботлайдиган ҳужжат ва далиллари борлиги, суд ишни кўришда бир қатор қонун талабларини инобатга олмагани ҳақида ёзилган эди.

Яқинда мақола юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судидан таҳририятимизга жавоб хати келди. Унда суд қарорлари тўғрилиги, таъсисчи суд қарорларидан норози бўлса, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг тегишли нормаларига асосан юқори турувчи инстанцияларга шикоят аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги айтилган.

Автокорхона таъсисчиси Рустам Яҳиёев бу жавобдан ҳам қониқмади. Таҳририятга янги ҳужжатларни тақдим этди.

Биз масалага янада ойдинлик киритиш мақсадида суд ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг тегишли моддалари билан қайта-қайта танишдик, даъвогарлар, жавобгарлар, ҳуқуқшунослар билан суҳбатлашдик. Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг бу ишга алоқадор ҳужжатларидан бири — 2016 йил 25 июлдаги ҳал қилув қарорида даъвогарларнинг ишга тикланиши ва иш ҳақлари ундирилиши кўрсатилган.

Адвокатлар М.Бердиқулов ва С.Алибеков мазкур ҳал қилув қарори ҳақида шундай фикр билдиришди:

«Суд қарорини қабул қилишда бир неча муҳим жиҳатлар эътибордан четда қолдирилган:

Биринчидан, даъвогар судга амалдаги қонунлар талаблари асосида мурожаат қилмаган. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 270-моддаси талабларига хилоф равишда иш тутилган. Яъни, ишга тиклаш учун мурожаат этишда кодексда белгилаб қўйилган бир ойлик муддат ўтказиб юборилган. Суд даъвогарларнинг орадан 4 йил ўтиб ишга тиклашни сўраб даъво қилишганини эътибордан қочирган.

Иккинчидан, автокорхона собиқ ишчилари манфаатини кўзлаб фуқаролик судига Самарқанд вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан киритилган даъво аризаси асоссиз эди. Негаки, «129-автокорхона» МЧЖ бу кенгаш аъзоси эмас. Судда даъвогар томонидан автокорхонанинг касаба уюшмаларига аъзолиги тўғрисида бирор-бир ҳужжат тақдим этилмади. Бу борадаги биргина далил — Самарқанд вилоят давлат архиви томонидан 2017 йил 27 сентябрь куни берилган №258-Б-сонли хат ҳам «129-автокорхона» МЧЖнинг касаба уюшмага аъзо эканлигини тасдиқламайди. Бу эса айнан шу масалада вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши судга даъво аризаси киритиш ваколатига эга эмаслигини кўрсатади.»

Биз бу масалага янада аниқлик киритиш мақсадида вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашида бўлдик. Бу идорадан берилган маълумотномадан «129-автокорхона» МЧЖ касаба уюшмаси аъзоси эмаслиги ойдинлашди.

Жавобгар тараф судда бу масаланинг кун тартибига қўйилишини талаб қилган. Аммо суд томонидан бунга эътибор берилмаган.

Бу ерда савол туғилиши табиий: наҳотки, катта бир корхонада касаба уюшма қўмитаси тузилмаган бўлса? Ёки бундай ташкилот фаолияти мажбурий эмасми?

Бу саволларга «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан жавоб қидирамиз:

«Касаба уюшмалари ихтиёрийлик асосида республика, тармоқ ва ҳудудий бирлашмаларини ташкил этиши, шунингдек, уларга кириши мумкин, мазкур бирлашмаларга касаба уюшмалари фаолиятининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлари ва кафолатлари татбиқ этилади.»

Қонуннинг иккинчи моддасидаги ушбу жумлалардан англаш мумкинки, касаба уюшмаларига аъзо бўлиш мутлоқ ихтиёрий: «129-автокорхона» МЧЖ жамоаси касаба уюшма фаолияти хизматига эҳтимол эҳтиёж сезмагандир. Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судидаги судьялар эса касаба уюшмасига уларнинг аъзо ёки аъзо эмаслиги билан қизиқиб ўтиришмаган. Бунинг ўрнига даъвогарлар фойдасига ҳал қилув қарорлари чиқаришаверган.

«129-автокорхона» МЧЖ маъмурияти ҳайдовчиларни ишдан бўшатишда «касаба уюшма қўмитаси билан келишилмаганлик»да айбланади.

«Агар жамоа шартномасида, келишувида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмай туриб шартномани бекор қилишга йўл қўйилмайди», дейилади «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасида.

Аммо корхонада касаба уюшма қўмитасининг ўзи йўқ бўлса, бундай келишув ким билан амалга оширилиши керак эди? Касаба уюшма қўмитаси тузилмаганида корхона раҳбарияти айбдор экани ҳақида бир нарса дейиш қийин. У қонунда кўрсатилганидек ихтиёрий равишда тузилади.

Адвокат Маҳмуд Бердиқулов диққатимизни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 275-моддаси 3-қисмига қаратади:

«Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги, бошқа ишга ғайриқонуний ўтказилганлиги ёки ишдан ғайриқонуний равишда четлатилганлиги оқибатида келиб чиққан мажбурий прогул вақти учун ходимга ҳақ тўлаш тўғрисидаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш чоғида меҳнат низоларини кўрувчи орган ходимнинг пул ундиришга доир талаблари бир йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қондирилади».

Судлар томонидан эса қонуннинг бу талабига риоя қилинмаган кўринади. Чунки даъвогарларнинг йиллаб ишга чиқмагани тўғрисида корхона кадрлар бўлими ва бухгалтериясида тегишли ҳужжатлар мавжуд экан.

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди ҳал қилув қарори қабул қилишда яна бир қанча далилларга етарлича ҳуқуқий баҳо бермаган экан.

«129-автокорхона» МЧЖ таъсисчисининг айтишича, собиқ ҳайдовчилар уйларига ишга чиқиш ҳақида буюртма хатлар юборилгани, ишдан бўшатилиши ҳақида ёзма равишда огоҳлантирилгани, ИИБга қилган мурожаатидан сўнггина, ҳайдовчилар автомашиналарни носоз ҳолда гаражга ташлаб кетишлари каби бир қатор ҳолатлар суд назаридан четда қолиб кетибди.

Даъвогарларнинг даъвоси бўйича даъво муддатини тикламасдан, уларни ишга тиклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилиши ҳам фуқаролик процессуал қонун талабларига зид экани айтилмоқда. Аслида бундай қарор апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилиниши керак экан. Биринчи босқич суди ҳал қилув қарорида даъвогарларга 2015 йилнинг 1 октябридан то 2016 йилнинг 25 июль кунигача иш ҳақи ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобидан ундирилсин, деб кўрсатилган. Савол туғилади: бу ерда ўртача ойлик иш ҳақи нимага асосан, қандай миқдорда белгиланади?

Яна бир ажабланарли ҳолат: Суднинг 2015 йил 25 март кунидаги ҳал қилув қарорида(судья Ш.Болиев) даъвогар Содиқ Қобилов 1979 йилдан буён корхонада ишлайди, деб кўрсатилган. 2016 йил 26 октябридаги ҳал қилув қарорида эса (судья Н.Баратов) даъвогар С.Қобилов 1982 йилдан буён корхонада ишлайди дейилган. Аслида эса у 2011 йилнинг 10 октябрь куни ишга қабул қилиниб, бу ерда 2 йил ҳисобидан бор-йўғи 1,5 ой ишлаган. Бу ҳақда корхонада тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд. Масалан, даъвогарларнинг ишга чиқишини кўрсатувчи табеллар, корхонада ўтказилган молиявий ҳисоб-китоблар бўйича бир эмас, уч маротаба ўтказилган аудит хулосалари, ҳамма-ҳаммасида ҳар бир ҳайдовчининг иш кунлари аниқ-равшан кўрсатилган. Судда уларга аҳамият берилмаган.

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди раиси М.Тожибоев жавоб хатида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 198-моддаси талаблари ҳақида шундай фикрларни келтиради: **«... ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт. Бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда иш берувчининг мавжуд мол-мулки (шу жумладан, иш берувчи учинчи шахслардан ижарага олган мол-мулк) амалда камайганлиги ёки ёмон ҳолатга келганлиги, шунингдек, иш берувчининг ортиқча тўловлар қилиш зарурати тушунилади. Ходим иш берувчига етказилган бевосита ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни тўлаши натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади».**

Шу ўринда автокорхона таъсисчиси Рустам Яҳиёевнинг қуйидаги сўзларини келтиришни лозим деб топдик:

— Ҳайдовчилар ҳеч бир сабабсиз ишга келмай қўйишди, аммо ўша алфозда машиналарни уйларида сақлашди. Автомашиналардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишиб, жамият мулкига моддий зарар етказишди. Биз улардан ишга чиқишни талаб қилдик. Оғзаки, ёзма равишда огоҳлантирдик. Почта орқали уйларига хатлар юбордик. Бу можаро бир йил атрофида давом этди. Ниҳоят, ички ишлар идорасининг аралашуви билан автомашиналар гаражга қайтарилди. Қонун-қоидага итоат этишни ҳоҳламаган ҳайдовчилар билан эса хайрлашишга мажбур бўлдик. Хўш, энди биз ўша ҳайдовчилар томонидан жамиятга етказилган зарарни қандай ундириб оламиз? Яна асосийси, суд томонидан қайта-қайта қабул қилинаётган ҳал қилув қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида суд ижрочилари жамиятнинг ишлаб турган техникаларини сотиб, тўпланган маблағни неча йилдан буён ишламаётган ҳайдовчиларга улашмоқда. Бунинг натижасида корхонамиз таназзул сари кетди. Иш ўринлари йўқотилди.

Абдурасул САТТОРОВ,
журналист.

ТАҲРИРИЯТДАН: *Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида бир неча бор кўрилган ушбу можароли масаланинг охири кўринмаяпти. Даъвогар ҳам, жавобгар ҳам ўзини ҳақ деб билмоқда. Суд даъвогарлар фойдасига кетма-кет ҳал қилув қарорлари чиқармоқда. Аммо жавобгар ўзининг ҳақлигини исботлаш мақсадида кўплаб далиллар келтираяпти ва уларга суд томонидан эътибор берилмаётгани ҳақида шикоят қилмоқда. Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2016 йил 25 июлдаги ва 2019 йил 29 январдаги ҳал қилув қарорлари турли саволларни келтириб чиқаряпти... Бу масалани синчиклаб ўрганиб, хулоса чиқариш керакка ўхшайди.*

Альберт Эйнштейн Москвага келганида Халил Рахматулин билан учрашади ва узоқ суҳбатлашади.

АЛЬБЕРТ ЭЙНШТЕЙН:
Халил Раҳматулин туғма механик, ҳали у бутун дунёга машҳур бўлади...

Халил Раҳматулин Ўзбекистонда таълим-тарбия олган эди. Илк илмий изланишларини ҳам Тошкентда бошлаганди. Ўзбек халқидан кўрган меҳр-оқибатини бир умр унутмаган олим ўзбекистонлик ўнлаб ёшларни дунёга машҳур бўлишида, ўзбек илм-фани ривожланишига беқиёс ҳисса қўшди. Кейинчалик Москва давлат университетида ўқиб, умрини охиригача фаолият кўрсатган бўлишига қарамасдан, бутун ҳаёти давомида ўзбекистонлик олимлардан қўл узмади. Уларни доим қўллаб-қувватлади. Бугун Халил Раҳматулин ҳам, унинг ўзбекистонлик шогирдларидан кўпчилиги ҳам оламдан ўтиб кетишган. Лекин улар асос солган илмий мактаблар ҳамон яшамоқда, давом этмоқда...

Халил Раҳматулин 1909 йил 23 апрелда Қирғизистоннинг Тоқмоқ шаҳрида таваллуд топган. Дастлаб Тошкентдаги педагогика техникуми, Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети), М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетида таълим олади. 1937 йил юқори тезликдаги аэродинамика йўналишида номзодлик диссертациясини ёқлагандан сўнг Москва давлат университети доценти, аэродинамика лабораторияси мудири бўлиб фаолият кўрсатади. 1943 йил парашютлар назарияси йўналишида докторлик диссертациясини ёқлайди. 1947 йил Ўз РФА академиклигига сайланади. 1951 йилда унинг ташаббуси билан газлар динамикаси, кейинчалик Газлар ва тўлқинлар динамикаси кафедраси ташкил этилади. Бу кафедрага устоз 1988 йилгача раҳбарлик қилган.

Устознинг илмий фаолияти ўзининг кўп қирралилиги билан барчани ҳайратлантиради. Олимнинг тадқиқотлари механика соҳасида муҳим ўрин тутадиган, динамик жараёнлар муаммосини, эластик ва пластик тўлқинлар тарқалиш жараёнларини, газларда шаклланадиган ва тарқаладиган зарба тўлқинлари, парашютлар ва ғовак муҳитлар аэродинамикаси, грунтлар динамикаси, кўп компонентли муҳитлар ҳаракати, химиявий технология ва бошқа кўп соҳаларни ўзида мужассамлаштиргани билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Эластик ва пластик муҳитлар динамикаси назариясида устоз илгари аниқланмаган махсус юксизланиш (вазнсизлик) тўлқинлар тарқалиш жараёнини кашф этди. Ушбу кашфиёт россиялик машҳур олим Алексей Ильюшин томонидан «Раҳматулиннинг эластик ва пластик тўлқинлари» деб аталган ва илм оламида тан олинган. Мамлакатимизда устознинг бу йўналишдаги ишларини академиклар Васил Қобулов, Тожибой Бўриев ва бошқалар давом эттиришган. Кўп йиллар давомида Москва, Киев, Кишинев, Олмаота, Тошкент ва Бишкек шаҳарларида устоз ва унинг шогирдлари ташаббуси билан «Эластик ва пластик тўлқинлар тарқалиши» мавзусида ҳалқаро симпозиум ва конференциялар ташкил этилган эди. Олим томонидан кўндаланг зарба назариясида қайишқоқ ипларда тарқаладиган бўйлама ва кўндаланг тўлқинларнинг тарқалиш назарияси ва қонуниятлари биринчи марта тажрибалар асосида тадқиқ этилган ва изоҳлаб берилган. Бу назария асосида бажарилган ҳисоб натижалари Иккинчи жаҳон уруши йиллари ҳаво тўсиқлари аэростатлари билан Москва осмонини душман ҳужумларидан ҳимоя қилишда кенг фойдаланилган эди.

Республикамизда иплар назариясининг яратилиш ва ривожланишида устоз билан бир қаторда марҳум академик Маҳамад Ўразбоевнинг хизматлари беқиёсдир. Халил Раҳматулин қайишқоқ иплар ва боғланишлар назариясини яратишда Маҳамад Ўразбоевнинг илмий ишларидан фойдаланган бўлиши керак. Эластик ва пластик муҳитларда ҳамда қайишқоқ боғланишларда тўлқинлар тарқалиш жараёнлари тадқиқ этилган ишлар мажмуаси учун устоз 1945 йил Давлат мукофоти лауреати ҳамда М.Ломоносов номидаги мукофотга сазовор бўлган. Улуғ олим томонидан яратилган ажойиб ускуналардан бири катта космик параметрларга эга бўла оладиган оқимларни энг ишончли ва иқтисодли усул билан ҳосил қиладиган гипервоз қувурни айтиб ўтиш жоиздир, чунки шу қурилма яратилганлиги учун устоз 1974 йилда иккинчи марта Давлат мукофотига сазовор бўлган.

> **Устоз республикамиз учун долзарб бўлган жуда кўп муаммоларни ечишда фаол қатнашган, жумладан, аэродинамика ва аэрохимия усулда шолига, чигитли пахтага дастлабки ишлов беришнинг янги технологияларини яратишда раҳбарлик қилган. Унинг ташаббуси билан чет элларда маълум бўлмаган усуллар ёрдамида юқори сифатли аралашмалар ва суспензиялар олиш учун янги типдаги гидродинамик қурилмалар яратилган эди.**

Устознинг грунтлар динамикаси соҳасидаги изланишлари ерости ва гидротехник иншоотларни зарбали кучларга, кучли портлашларда ҳосил бўладиган тўлқинлар таъсиридан мустаҳкамлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган. Халил Раҳматулин раҳбарлигида грунтлар назариясини ривожлантиришда физика механика хоссалари бошқа туташ муҳитлардан кескин фарқлангани сабабли, унинг ҳолат тенгламасини аниқлаш мақсадида Москва давлат университетининг Мехника институти тўлқинлар динамикаси лабораториясида махсус тажрибалар ўтказилган. Ўзбекистонда устознинг бу йўналишдаги ишларини марҳум академик Тошпўлат Ширинқулов ва унинг шогирдлари давом эттириб, йирик илмий натижалар олишган.

Халил Раҳматулин кўп компонентли муҳитлар ҳаракати назариясининг асосчисидир. У биринчи бўлиб бир неча фазали аралашмалар ҳаракати назариясини яратган, бундай муҳитларда тўлқин тарқалиш жараёнларини таҳлил этиб, икки компонентли муҳитда чегаравий қатлам назариясига асос солган. Устоз томонидан таркиби қаттиқ ва суюқ заррачалардан иборат кўп фазали товуш тезлигидан юқори ҳаракатланадиган газлар оқими масаласини биринчи қўйилиб, унинг ечимлари келтирилган эди. Бу назария асосида устознинг бевосита раҳбарлигида илмий мактаблар юзага келди. Бундай мактаблар Москва давлат университетида, Ўз РФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлик институтида Халил Раҳматулиннинг шогирди марҳум Жорулла Файзуллаев раҳбарлигида ташкил этилган эди. Унинг «Кўп фазали муҳитлар динамикаси» монографиясининг АҚШ да чоп этилиши бу йўналишда бажарилаётган илмий изланишлар салмоғи ниҳоятда юқори даражадалигининг исботи эди. Тез суръатда ривожланган механиканинг бу соҳасидаги натижалар гидротехникада, химия технологиясида, атом энергетикасида кенг қўлланилган ва бу йўналишда бажарилган ишлар мажмуаси учун 1979 йилда Халил Раҳматулинга Меҳнат Қаҳрамони берилган эди.

Устоз республикамиз учун долзарб бўлган жуда кўп муаммоларни ечишда фаол қатнашган, жумладан, аэродинамика ва аэрохимия усулда шолига, чигитли пахтага дастлабки ишлов беришнинг янги технологияларини яратишда раҳбарлик қилган. Унинг ташаббуси билан чет элларда маълум бўлмаган усуллар ёрдамида юқори сифатли аралашмалар ва суспензиялар олиш учун янги типдаги гидродинамик қурилмалар яратилган эди.

Альберт Эйнштейн Москвага келганида Халил Рахматулин билан учрашади ва узоқ суҳбатлашади. Мулоқот сўнгида «Халил Раҳматулин туғма механик, ҳали у бутун дунёга машҳур бўлади...» деган экан.

Домланинг нақадар улуғ ва меҳнаткаш олим бўлганлигини яна бир исботини Россия Фанлар Академиясининг академиги Роберт Нигматуллиннинг эсдаликларида кўрамиз. 1957 йили фазога биринчи марта ер йўлдоши учирилиши шарофати билан Москвада ўтказилган тадбирда таниқли олим Сергей Королев бу ютуқларда Рахматулин ва Кельдишларни алоҳида хизматлари борлигини таъкидлаган эди.

Бағри кенг, кучли қобилият, ноёб истеъдод эгаси бўлган Халил Раҳматулин шогирдларига нисбатан ўта меҳрибон ва ғамхўр эди. Уларнинг нафақат олим бўлишига, балки яхши инсон бўлишига ҳам катта эътибор берарди. Халқимизда «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин» деган мақол бор. Домла бу тўғрида ўз фикрини қуйидагича билдирган эди, «Ҳар бир устоз шогирдини фақат олим бўлишига эмас, унинг одамларга яхшилик қиладиган ҳақиқий инсон бўлишига аҳамият бериши, бу борада ҳам устозлик қилиши керак»...

Ботиржон МАРДОНОВ,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети профессори,
Ҳусан ВАЛИЖОНОВ,
Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти фахрий профессори,
Машраб АҲМЕДОВ,
Механика ва иншоотларни сейсмик мустаҳкамлиги институти етакчи илмий ходими.

БИЛАСИЗМИ?

Кўп квартирали арзон уйлар
кимларга берилади?

Қонунчиликка мувофиқ, шаҳарларда қурилаётган кўп квартирали арзон уйлар ёш оилалар, эскирган уй-жойларда яшаётганлар ва фуқароларнинг бошқа тоифаларига сотилади.

Арзон уй-жойларга фуқароларни бириктириш қуйидаги мезонлардан бири мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади:

— ўз уй-жойининг йўқлиги ва ижара (аренда), бепул фойдаланиш шартларида турар жойда ёки эскирган уйларда яшаш;

— бир уйда (бир квартирада) бошқа оила ёки бошқа оилалар билан биргаликда яшаш;

— кўп болали оила;

— она (ота)нинг тўлиқ бўлмаган оилада болани (болаларни) тарбиялаши;

— ариза берувчининг оила аъзолари орасида сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи алоҳида хонада яшашга муҳтож бўлган шахсларнинг мавжудлиги;

— оила таркибида биринчи гуруҳ ногирони мавжудлиги;

— турар жой майдонининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ижтимоий нормасига мувофиқ эмаслиги;

— таянч докторантуранинг 2-курсидан бошлаб, олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олаётган докторантлар.

Темир йўлларда
йилига бир марта бепул юриш ҳуқуқи кимларга берилган?

Темир йўлларда **йилига бир марта бепул юриш ҳуқуқи** (бориш ва келишга) қуйидагиларга тақдим қилинган:

— Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Шон-шуҳрат орденининг учта даражаси билан тақдирланган шахсларга;

— ярадор бўлган ҳарбий хизматчилар, ишчилар ва хизматчилардан 1 ва 2-гуруҳ уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;

— Чернобиль АЭС даги аварияни бартараф этувчилари-ногиронларига (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида).

Шахсий бойлик орттириш мақсадида
ташкилотларга қарашли транспортдан фойдаланганлик учун жарима солинади

Ҳайдовчиларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиши **энг кам иш ҳақининг икки бараваридан (405 минг 460 сўмдан) беш бараваригача (1 миллион 13 минг сўмгача) миқдорда жарима** солишга сабаб бўлади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy axborot» канали.

ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2019 йил 6 июнь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Юнусобод тумани, Буюк Турон кўчаси, 56-уйда жойлашган «TASHKENT PALACE NEW» МЧЖ балансидаги 2012 й. и/ч, д/р 01/605КСА, бошланғич нархи 64 000 000 сўм бўлган «ГАЗ 322132-2288» русумли; Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Сайрам 7-тор кўчаси, 2-уйда жойлашган, «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «Ахборот тизимлари» филиали балансидаги 2008 й. и/ч, д/р 01/169UBA, бошланғич нархи 102 537 175 сўм бўлган «HYUNDAI SONATA»; 2010 й. и/ч, д/р 01/717BBA, бошланғич нархи 142 901 180 сўм бўлган «CAPTIVA»; Тошкент ш., Миробод тумани, Нукус кўчаси, 22-уйда жойлашган «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК ТШТТ филиали балансидаги 2011 й. и/ч, д/р 01/783FFA, бошланғич нархи 141 327 316 сўм бўлган «CAPTIVA» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан **буюртномаларни** қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан **2 (икки) кун** аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолиби, савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаши ҳамда тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, фарқ қилаётган суммани шартнома тузулгунга қадар закалат тўланган ҳисоб рақамига тўлаб бериши шарт, шунингдек, «TASHKENT PALACE NEW» МЧЖнинг автотанспорт воситаси бўйича савдо ғолибига, савдо ташкилотчисининг автотранспорт воситаси сотилиш нархидан 4 (тўрт) фоиз миқдоридаги комиссион тўловини алоҳида қоплаб бериш мажбуриятлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар **пайшанба** кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 233-23-40; телефакс: (71) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида Давлат солиқ қўмитаси «Солиқ-сервис» давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилаётган ишлар, call-марказ фаолияти, солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, янги яратилган «Жамоатчилик назорати» веб-порталининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.

«Жамоатчилик назорати»
веб-портали ишга туширилди

– Президентимизнинг 2018 йил 26 июндаги Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида «Солиқ-сервис» давлат унитар корхонаси ва унинг ҳудудий марказлари ташкил этилди, — дейди **Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Ҳотамбек Шокиров.** — Шу пайтгача тадбиркорларни қийнаб келган бухгалтерия ҳисобини оқилона юритишда техник жиҳатдан қўмаклашиш, ҳисоботлар ва декларацияларни электрон тайёрлаш ҳамда топшириш, электрон ҳисобварақ-фактураларни юритиш қоидаларини ўргатиш «Солиқ-сервис» ДУКнинг асосий вазифалари ҳисобланади. Шунингдек, корхона солиқ тўловчиларга соҳадаги қонун ҳужжатларини етказиш, «call-марказ» махсус сервиси орқали аҳолига ахборот хизматларини кўрсатиш билан шуғулланади. Бундан кўзланган мақсад солиқ тўловчиларнинг ҳақиқий ва ишончли ҳамкори ва маслаҳатчиси бўлишни таъминлашда Давлат солиқ қўмитасига яқиндан ёрдам беришдир.

Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг биринчи чораги давомида «Солиқ-сервис» ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан солиқ тўловчиларга қарийб 240 мингдан ортиқ хизмат кўрсатилди. Жумладан, 14 мингдан ортиқ хизматлар асосан солиқ тўловчиларнинг солиқ ҳисоботларини қоғоз шаклидан электрон шаклга кўчириш ва уларни солиқ органларига юбориш, 6700 ҳолатда интерактив хизматлардан фойдаланишда ёрдам бериш масаласида, қарийб 2000 га яқин солиқ тўловчини назорат касса машиналарини рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан чиқаришда қўмаклашиш масаласида, 50 мингдан ортиқ хизматлар юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларига маслаҳат кўринишида ёрдам кўрсатишдан иборат бўлди. Шунингдек, Call-марказ махсус сервисида 30 нафар мутахассис томонидан солиқ тўловчиларнинг саволларига 24 соат давомида узлуксиз жавоб бериш хизмати олиб бориляпти.

Call-марказ махсус техникалар, дастурий маҳсулотлар ҳамда мебеллар билан жиҳозланиб, замонавий талабларга жавоб берадиган шаклга келтирилди. Бунинг натижасида бир кунда қарийб 1000 кўнгироққа жавоб бериш имконияти яратилди.

Бугунги кунда солиқ хизмати органларида барча давлат хизматларининг 90 фоизга яқини электрон тарзда амалга оширилмоқда.

Аҳоли ва бизнес учун электрон давлат хизматлари тақдим этилишини оптималлаштириш, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги илғор тажрибани ўрганиш ва солиқ тўловчиларнинг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда my.soliq.uz портали ишлаб чиқилиб, ишга туширилган. Ҳозирда портал орқали 35 турда электрон хизматлар кўрсатилмоқда. 20 интерактив хизмат ва 15 та ахборот хизматлари фаолияти йўлга қўйилган.

Янгилик сифатида яна шуни айтиш мумкинки, қўмита томонидан мобиль илова ва my.soliq.uz портали орқали тақдим этилаётган интерактив хизматлар билан бир қаторда, «Солиқ соҳасидаги жамоатчилик назорати» веб-порталини ҳам ишга туширган. Ушбу хизматнинг асосий мазмун-моҳияти шундан иборатки, фуқаролар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида республиканинг исталган ҳудудидан туриб, маълумот бериш мумкин. Ушбу масалага масъул бўлган ходимлардан иборат гуруҳ зудлик билан жойига бориб, муаммони ҳал қилиш чораларини кўради.

Бу бир томондан тадбиркорларимиз ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини поймол қилиш, солиқдан қочиш ёки шунга ўхшаган қора йўллардан фойдаланиб, ўз фаолиятини юритиш каби ҳолатларнинг олдини олади. Натижада бюджетга қўшимча маблағ тушиши, тадбиркорлар эса расман рўйхатдан ўтиб, фаолият юритиши, қўшимча иш ўринлари яратилиши учун хизмат қилади.

Шу билан бирга, матбуот анжуманида Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги «Солиқ-сервис» ДУК директори ўринбосари **Жамшид Султонов** бугунги кунда корхона томонидан амалга оширилаётган ишлар ва Call-марказ фаолияти ҳақида янада кенгроқ маълумот берди.

— Call-марказ махсус сервисига тушаётган мурожаатларнинг таркиби таҳлил қилинганда, 21934 таси юридик шахсдан, 12586 таси жисмоний шахсдан, 4584 таси якка тартибдаги тадбиркордан, 184 таси фермер ва деҳқон хўжалигидан, 689 таси бошқа солиқ тўловчилардан тушгани маълум бўлди.

Тадбирда журналистлар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди. Хусусан, солиқ тўловчилар маълумотлари хавфсизлигини таъминлаш, онлайн касса аппаратларининг амалиётда қўлланилиши ва солиқ тизимида жорий этилаётган замонавий технологияларнинг имкониятлари, ягона солиқ тўлови, қўшилган қиймат солиғига оид саволларга мутахассислар атрофлича жавоб берди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН

Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази» 6 июня 2019 года в 15.00 в городе Нукусе проводит открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен выставляется на продажу:

Автотранспортное средство принадлежащего Каракалпакскому государственному театру юных зрителей РК: — Автобус марки «Мидибус UZOTOYOL 24.9», 2002 года выпуска, гос. номер — 23AJ214. Начальная цена — 11 347 500 сумов.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресения. Прием заявок прекращается 5 июня 2019 года в 18:00. Покупатель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с №20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк. Информацию об объектах выставляемых на торги можно получить по адресу: г. Нукус, ул. Амира Темура, дом — №122а. Телефон для справок: (61) 222-55-84.

Услуги лицензированы

Рамазонда ҳам руҳий, ҳам жисмий, ҳам маънавий, ҳам қалбий жиҳатдан покликка эришилади.

Барокат ва мағфират ойи

Исомиддин қори АҲРОРОВ, Шайхонтоҳур туман «Хожа Аҳрор Вали» жомеъ масжиди имом-хатиби:

— Коинот, маҳлуқот ва мавжудотларни йўқдан бор қилиб яратган, бандаларига яхшилик мавсуми, гуноҳларимизни шу тафайли кечирилишига сабаб бўлган ибодатлар ва дуолар ижобат бўладиган Рамазон ойини муносиб кутиб олишга буйруқ берган Улуғ Роббимизга ҳамду саноларимиз бўлсин!

Ўн бир ой давомида турли-хил амалларни қиламиз. Бандамиз, ожизмиз, баъзида билиб, баъзида билмай гуноҳ қилиб қўямиз. Рамазонда эса ғалвир кўтарилади ва ана шу хатолар кечириладиган ойдир, қачонки, савобларимиз сероб бўлса. Рамазон арабча сўздан олинган бўлиб, маъноларини алломалар турлича: сақламоқ, **сақланмоқ, эҳтиёт қилмоқ, эҳтиёт бўлмоқ, куйдирмоқ, кечирмоқ** тарзида баён қилишган. Бандани тутган рўзасини, ибодатини қабул қилиб, Рамазонгача нимаики, қилган гуноҳлари бўлса шуни куйдирилишини билдиради.

Аввало, шу ҳақда ўйлашимиз керакки, биз муборак Рамазон ойига қандай тайёргарлик кўрдик? Қайси ҳолатда кириб бормоқдамиз ва Рамазонда қандай амалларни қилишни режалаштириб қўйдик? Биз қалбимиз билан, холис муҳаббат билан тайёргарлик кўриб борсак, тутган рўзамиздан ҳузур-ҳаловат топамиз, дуоларимиздан лаззат оламиз. Улуғларимиз Рамазонга 6 ой қолганда Аллоҳим Бизларни Рамазонга ўзинг етказгин, деб дуо қилса, Рамазон ўткандан кейин эса 6 ой давомида эй Роббим, ўзинг тутган рўзамизни, ибодатимизни қабул қилгин, деб дуо қилишаркан. Сиз билан бизнинг ҳам умримиз ана шундай бўлиши керак. Демак, олдимизда қандай улуғ ой турганини ҳис қилайлик.

Ўтган йили бир одам: «Анча қази, асал, гўшт, ёнғоқ заҳира қилиб қўйдим, насиб бўлса, етса керак-а», деб савол берган эди. Ниятимиз тоза бўлмаса, қалбимизда қаноат, сабр, рўзага нисбатан ихлосимиз, муҳаббатимиз бўлмаса, тонналаб йиғсак ҳам у етмайди. Тайёргарлик деганда қалбан ва руҳан тайёр туришимиз керак. Бу — Аллоҳ фарз қилган ибодат! Унга мен қандай тайёргарлик кўрдим? Ғийбатимиз йўқми, ёлғонимиз йўқми, гуноҳ-туҳматларимиз йўқми, ўзига ношукурчилигимиз йўқми?

Аёлларимиз ҳаёт, турмуш ташвишлари билан болам-чақам, деб тайёргарлик эсидан чиқиб қолган бўлиши мумкин. Уларга, қизларимизга, опа-сингилларимизга ҳам эслатиб қўяйлик. Ана шунда Рамазон хонадонимизга раҳмат, барокат ойи бўлиб келади. Чунки, Аллоҳ кўриб турибди. Бандам мен фарз қилган ибодатимга тайёргарлигини қара. Аллоҳ таоло ўшанга яраша барокат беради.

Рамазон ойида рўза тутиб, ибодат қилиб, юрган одамнинг ҳис-туйғуси кучаяди. Яъни рўзадор бўлиб юрган одам ҳеч ким бўлмаса ҳам рўзасини очиб юбормайди. Худо кўриб турибдику, деган ҳис туйғуси бўлади. Агар ана шу ҳис туйғу ҳар бир дақиқада сиз билан бизнинг ёдимизда бўлса, ҳаётимиз ўйлаганимиздек осуда ўтади. Нима учун турмушимиз паст-баландликлардан иборат? Вақти-вақти билан муаммоларга, қийинчиликларга, машаққатларга дуч келамиз? Бунга сиз билан бизнинг ожизлигимиз, эътиқодимизда Аллоҳ бизни кузатиб турибдику, деган ҳис туйғуни камлиги, саёзлиги сабаб бўлади.

Рамазон рўзаси балоғат ёшига етган ҳар бир мўмин-мусулмон учун фарз. Узурлик ҳолатлар: сут эмадиган боласи, ҳомиладор, бемор, мусофир, рўза тутишга монеълик қиладиган касаллиги бўлса, улар истисно. Кимки, бетоб ёки сафарда бўлиб, рўзасини тута олмаган кунларини бошқа кунларда тутиши мумкин. Аллоҳ бизга енгиллик истайди. Агар банда қасддан рўза тутмаса бир кунга 60 кун тутиб беришлик лозим бўлади. Аллоҳ таоло бизни шу ибодатларга муваффақ қилгани учун ҳам ўзига таслим бўлиб, тан олиб, унинг буйруқларини амалга ошириб, қайтариқларидан қайтиб, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) га эргашиб, рўзаларини мукаммал тутиш бандалик вазифамиз.

Бугун фан, тиббиёт олимлари ҳам рўза — очлик одамларни ички ва ташқи кўп касалликларига шифо бўлишига сабаб бўлишини асослашди. Яъни инсон бир йилда ихтиёрий равишда 28-29 кун оч қолиши керак экан. Тиббиёт олимлари текширувига кўра, бир йил давомида рўза тутмай турли ҳил даво воситаларини ичиб юрган одамнинг ташхисига қараганда, бир ойлик фарз рўзасини, Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатига эргашиб, йил давомида ҳар ойда уч кун рўзаларини тутиб юрган инсоннинг таҳлили анча тоза чиққан экан. Рамазонда ҳам руҳий, ҳам жисмий, ҳам маънавий, ҳам қалбий жиҳатдан покликка эришилади.

Бу ойда оиламизда китобхонликни йўлга қўяйлик. Ҳеч бўлмаганда охиратимизга, эътиқодимизга, иймонимизга, аҳлоқимизга ҳужжат бўладиган битта китобни ўқийлик. Ўзбек тилида чиққан Қуръонни фарзандларимизга ўқиб берайлик.

Улуғларимизни қаранг, улар Рамазонни қандай ўтказишган? Имом Зуҳорий айтган экан, Рамазон ойи бу оч-наҳорларни қорнини тўйдириш ойидир. Ифторлик қиламиз ҳа, кимларни айтамиз? Ушбу тадбирларимизга қорни тўқ кишиларни таклиф қиламиз. Ифторликка ҳақиқий муҳтожларни .чақирадиганлар орамизда бор, лекин кам. Баъзилар уларни паст санайди. Бир муҳтож ғариб одам келиб қолса, ҳалиги ўзига тўқ танишимизга ёмон кўринмаслик учун қувиб соламиз. Рамазон ойида Аллоҳ таоло битта яхшиликка 100 дан ортиқ савоб беради.

Имом Молий моликий мазҳабининг асосчиси, улуғ алломамизнинг «ал-Муватто» деган китоблари аҳли илмлар ичида маълум ва машҳур... Ул зот Рамазон келса ҳадис илмини тўхтатиб қўяр экан. Ҳадис илми ҳам буюк илм. Расулуллоҳни битта ҳадисини ўқиб, унга ўз ҳаётида мукаммал амал қилиб юрган бандасига, Расулуллоҳ 100 та шаҳид савобини бераркан. 1 та шаҳид 70 одамни шафоат қилиш ҳуқуқига эга. Битта суннатига шунча мукофот. Ана шу суннатларни ҳаётимизга қўллашимиз керак. Шул инсон ҳадис илмини тўхтатиб, Қуръон ўқишга киришар экан. Қуръон ўқилган жойга Аллоҳни барокати ёғилади.

Ҳадис илмининг султони, муҳаддислар устози буюк бобокалонимиз Имом Бухорий ҳазратлари ҳам Рамазон ойида бир кунда бир марта ҳатим қиларкан. Ундан ташқари таровеҳда иштирок қилиб, уч кунда бир марта ҳатим қиларканлар. Улар Рамазонни ана шундай ўтказар эканлар.

Ғурур, кибр мўмин-мусулмонга ярашмайди. Айбимизни одамлар кўриб қолмасин, деб қандай беркитсак, яхшилигимизни ҳам худди шундай беркитишимиз керак. Ана шунда мусулмон бўламиз. Қуръонда ҳамма нарса бор. Фақат бугун биз Қуръонни тўғридан-тўғри ўқий олмаймиз. Кимгадир эргашиб ўқишимиз лозим. Ҳадиссдан биз билим олишимиз учун уламоларга эргашишимиз керак. Уламолар кимга эргашади. Ўзидан олдинги уламоларга. Улар кимга тобеинларга, тобеинлар кимга саҳобаларга. Саҳобалар кимга, Пайғамбар алайҳиссаломга...

Бошқа дин вакили бўлган бир инсоннинг фарзанди бозорда ҳурмо еб юрган экан, ота, ўғлига қараб, ўғлим, бу ишингни йиғиштир, мусулмонларнинг Рамазон ойи бошланди. Уларга азият бермагин, дебди. Ул одам вафот этгандан сўнг, жаннатга тушган эмиш. Ундан сабабини сўрашса, мен мусулмонларни Рамазон ойини ҳурмат қилиб, ўғлимни хурмо ейишдан қайтарганим учун шу ерга тушдим, деб жавоб берибди. Қаранг биргина ҳурмат учун шунча мукофот. Агар ҳар бир мусулмон бу ойда ғийбат қилмаса, бўхтон қилмаса, рўзасини тутса, Қуръон ўқиса, серсадақа бўлса ва кейин ҳам бу аммалларини давом эттирса қаранг қанча савоб бўлади. Ғафлатда қолишга ҳаққимиз йўқ.

Мусулмон одам на ҳаракати, тили ва на бирон бир амали билан бошқаларга зарар бериши керак эмас. Барчамиз ўзимизнинг яхши амалларимиз билан ибрат бўладиган вақт келди. Унга бепарво бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мусулмонларнинг аслида қандайлигини-ю, қўпорувчи ким, бузғунчи ким, террор ким, мутаассиб ким, миллатпараст, фитначи кимлигини бутун дунё билсин, ўзимизнинг эзгу амалларимиз билан мусулмоннинг кимлигини кўрсатайлик.

Ақл-фаросат, идрок, илм ва маърифат билан ҳаёт кечирса инсон гуноҳ қилмайди. Рўза тутиб, ёлғон ҳам гапирмайлик, ношаръий сўзларни ишлатмайлик, ғийбат, зино қилмайлик. Шунингдек, араз-гиналарни унутайлик, ким биландир аразлашиб қолган бўлсак, келсин мендан кечирим сўрасин эмас, биз биродаримиздан биринчи бўлиб, кечирим сўрайлик. Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак бир ҳадислари бор: «Гина-кудратчини дини йўқ». Аллоҳ қалбимиздан гина-кудратнни илдизи билан чиқариб ташлаб, ҳақиқий ўзини, динига, бандаларига мухлис, яратганга содиқ, чин мўмин-муслимдек ҳаёт кечириш бахтига муваффақ айласин.

Хотира ва қадрлаш кунлари яқинлашяпти, яқинларимизни, ота-оналаримизни қабрларини обод қилиб қўяйлик. Ёмғирлар ёғди, чўкиб, очилиб қолмадимикан?.. Шуни бир кўрайлик. Дам олиш кунлари набиралар, фарзандлар, ака-укалар, яқинлар билан бирга қабристонни зиёрат қилайлик, уларни эслайлик, ҳақларига зикрлар қилайлик. «Ўтган ота-онангни руҳини чиқиратмагин», деган нақл бекорга айтилмаган. Бу ҳадисда ҳам бор. Улуғларимиз буни қуйидагича келтирадилар: Албатта амалларингиз ўтиб кетган яқинларингизга кўрсатилди, агар қилган амалларингиз сийлайи раҳим, ибодат, зикр, шукур, тақво, ака-укани ўртасида мерос талашиш бўлмаса ва шунга ўхшаган яхши амаллар кўп бўлса, уларнинг руҳлари хурсанд бўлишади, фахрланишади. Агар қилиб юрган амалимиз ўғирлик, зулм, адоват, душманлик, йўлтўсарлик, бузғунчилик, инсонларга азият бериш бўлса, руҳлар бундан чиқираб, яқинларидан қочаркан ва Аллоҳим бизни ортимизда қолганларни ўзинг бизни қандай ҳимоя қилиб, маърифатга, яхшиликка бошлаб қўйган бўлсанг, уларни ҳам яхшиликка бошламагунингга қадар жонларини олмагин, деб дуо қиларкан. Бу ҳам савоб, барокот, суннат.

Қабрларга эътиборсиз бўлмайлик, унинг ичида ё жаннат, ё дўзах бор. Уни қай бирига муносиб бўлишимиз бу ҳаётимизда қандай ишлар қилганимиз билан боғлиқлигини унутмайлик.

Ўз замонасининг машҳурларидан бўлган Чустий домла ҳам бу борада сиз билан бизга ўрнак бўлиб қуйидаги сўзларини айтганлар:

Эсласин руҳимни авлодим десанг,
сен ҳам ўтган авлодингни ҳурмат эт...

Яратган Роббимиз кириб келган Муборак Рамазон ойини элимизга, халқимизга, оилаларимизга раҳматли, мағфиратли ва барокатли ойлардан бўлишини насиб этсин!

Реклама ва эълонлар



ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

- Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- Ямобуры.
- Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Mahmud TOIR, Qalandar ABDURAHMONOV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Shuhrat JALILOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), To'lqin TO'RAXONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71) 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-47-80, (71) 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 551. 3993 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 02:20.
Topshirilgan vaqti — 03:40.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchi: Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
Газетанинг электрон сахифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.
1 2 3 4 5 6